920595

Илм – ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | **1931 йилдан чиқа бошлаган** | **1995 йил 17 май, чоршанба** | Баҳоси сотувда эркин нархда. 20 (6666)

Имтиҳонлар ЭҲМда олинади

Ўқувчиларимизнинг билим ва малакаларини жаҳон стандартлари даражасига тенглаштириш масаласи шу кунда халқ таълими соҳаси олдига қўйилган муҳим талаблардан биридир. Бу ишни информатика асосларини ўрганмасдан, электрон-ҳисоблаш машиналарини бошқаришни мукаммал эгалламасдан амалга ошириш мумкин эмас. Кечиктириб бўлмас вазифага Қашқадарё вилоятида алоҳида эътибор билан қаралмоқда.

— Халқ таълими соҳасининг келажагини информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанисиз тасаввур қилиш мумкин эмас, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Раҳматилла Мусурмонов. — Жорий ўқув йили якунида бир қатор мактабларимизда битириш ва синфдан-синфга кўчириш имтиҳонларини имкониятларимиз даражасида ЭҲМларда олишга ҳаракат қиляпмиз. Айни кунда вилоятимизда мавжуд 989 та мактабда 252 та ЭҲМлар ўрнатилган бўлиб, уларда жами 3054 та ўқувчи ўрни бор. Имтиҳонларни ЭҲМларда олиш масаласига келсак, бу ўринда биз, асосан, Қарши шаҳри, Шаҳрисабз шаҳри ва тумани, У. Юсупов тумани халқ таълими бўлимларида тўпланган тажрибаларга суянмоқдамиз.

Биз дарсларда ЭҲМлардан фойдаланиш тажрибаларини ўрганиш мақсадида вилоят ҳисоблаш маркази ходими Шокир Ҳазратқулов билан биргаликда У. Юсупов туманига ташриф буюрдик.

— Туманимиз вилоятнинг чўл ҳудудида ташкил этилган ва бу ерда аҳоли зич яшамайди, — деди туман халқ таълими бўлими мудири Ғиёс ака Аминов. — Шу боисдан туманимизда 20 та мактаб бор. Илм масканларининг 60 фоизи ЭҲМ билан таъминланган. Жорий ўқув йили якунида бу мактабларда 37 та битириш имтиҳонларини ЭҲМда олишни режалаштирганмиз. Синфдан-синфга кўчириш имтиҳонларини олишни эса мактаблар маъмуриятининг ўзлари режалаштирадилар...

Биз туманнинг Ҳ. Абдуллаев, С. Раҳимов, Н. Нуриддинов, М. Шайхзода, А. Навоий номидаги мактабларида бўлиб, информатика ва ҳисоблаш-техникаси асослари фанининг ўқитилишини ўргандик. Туманда бу фан таълимига алоҳида эътибор билан қаралаётир, хоналар кўнгилдагидек жиҳозланган, аппаратлар талаблар даражасида ишлатилаяпти.

— Мактабимизда ўқувчилар энг кўп қизиқадиган фан информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, десам ишонаверинг, — дейди А. Навоий номидаги 9-ўрта мактаб директори Амир Рўзиев. — Ўқитувчимиз Азизбой Ашуров деярли ҳар куни ўқувчилар билан қўшимча машғулот ўтади. Ўқувчиларимиз мустақил равишда режа тузадиган бўлиб қолишган...

Биз М. Шайхзода номидаги 8-ўрта мактабга борганимизда информатика ва ҳисоблаш-техникаси асослари фани ўқитувчиси Очилхон Султоновни ЭҲМ хонасида иш устида учратдик. У «Маърифат» газетасида чоп этилаётган тест саволларини ЭҲМ дискларига тушириш билан банд экан. У газетада тест савол-топшириқлари эълон қилингани учун миннатдорчилик билдирди ва ушбу тест топшириқларидан жорий йилда ЭҲМда имтиҳон олишини айтди.

С. Раҳимов номидаги 1-ўрта мактабда эса Барот Бойназаров, Шоҳида Холмуродова, Гавҳар Ҳамроева, Мурод Курганов каби юқори синф ўқувчилари бизга турли-туман фанларга оид мураккаб машқларни бажариб кўрсатдилар.

Сафаримиз якунида имтиҳонларни ЭҲМларда олишда У. Юсупов тумани халқ таълими бўлими тажрибасига таянилса, уни Қашқадарё вилояти миқёсида оммалаштирса бўлади, деган хулосага ҳам келдик.

Абдували ОБИДДИНОВ.
«Маърифат» мухбири.

«Маърифат» хабарлари

ҚОҒОЗ ҲАМ ХАЗИНА

«Ўзбекмебел» ҳиссадорлик жамиятининг иккиламчи хом-ашёлардан фойдаланиш бўлими бошлиғи Абдурашид Ҳакимов ва Тошкент шаҳар иккиламчи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти директори Мухтор Абдуназаровларнинг ниятлари битта: «Қоғозни қадрлаш керак. Айниқса, эски-туски қоғозлардан ҳам унумли фойдаланиш мумкинлиги ҳақида аҳоли орасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш лозим. Токи макулатура йиғиш ишлари оммавий тарзда ўтказилсин».

— «Ўзбекмебел» ҳиссадорлик жамияти бу йўлда кўламли ишлар қилмоқда, — дейди Мухтор Абдуназаров. — Кундалик эҳтиёж молларига айирбош қилиш орқали тўпланган хом-ашё «Ўзбек қоғози» ҳиссадорлик жамияти ва Ангрен картон ишлаб чиқариш корхонасига юборилмоқда. «Ўзбекмебел» қошида ташкил топган Тошкент шаҳар иккиламчи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти ҳам бу соҳада талай режаларни амалга ошираяпти.

«Биз турли ташкилотлар билан алоқа боғлашга шаймиз. Айниқса, мактабларнинг биз билан ҳамкорлиги ҳар иккала томон учун ҳам фойдадан холи бўлмасди, деб ўйлайман. Мактабларда макулатура йиғиш учун имконият бор. Агар улар бу ишга астойдил бош қўшсалар «Ўзбекмебел» уларни тўплаган қоғозлари эвазига стол-стул, парта каби синф жиҳозлари, ўқув қуроллари билан таъминлашни ўз зиммасига олади».

Абдурашид Ҳакимов айтган бу таклифни ҳар бир мактаб маъмурияти маъқулласалар керак, бизнингча. Агарда, шундай бўлса, марҳамат, пойтахтнинг Навоий кўчаси, 18-«В» уйида жойлашган «Ўзбекмебел» ҳиссадорлик жамиятининг иккиламчи хом-ашёлардан фойдаланиш бўлими ҳамда иккиламчи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятининг эшигини қоқиб келаверинг.

И. БЎРИБОЕВ.

ЭНГ ЯХШИ СОЗАНДАЛАР

Халқимиз қадим-қадимдан санъатни ардоқлаб келади. Ҳозир ҳам мусиқа санъатига, айниқса созандалар санъатига бўлган қизиқиш тобора ортмоқда. Яқинда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ўзбек халқ чолғулари ва баян ёш созанда-ижрочиларининг XIII Республика кўрик-танлови фикримизнинг далилидир. Ушбу кўрик-танловда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан мусиқа ва санъат билим юртлари, махсус мусиқа мактаб-интернатларида таълим олаётган ёш созанда-ижрочилар иштирок этдилар.

«Республика танлови мусиқа байрами тусида ўтказилди. Бу танловда 103 нафар ижрочи қатнашди. Уларнинг кўпчилиги най, чанг, баян ижрочилари бўлганлиги қувончли ҳолдир», — деб таъкидлайди ушбу кўрик-танлов ҳайъатининг раиси М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат Концерваториясининг ўзбек халқ чолғулари кафедрасининг мудири, проффессор Аҳмад Одилов.

Ҳакамлар ҳайъати энг яхши созандалардан 6 нафар ижрочини— биринчи даражали, 11 нафар ижрочини — иккинчи даражали, 19 нафар ижрочини эса учинчи даражали мукофот ва нишондорлик унвони билан тақдирладилар. Андижон шаҳридан Нилуфар Назирова (най), Тошкент шаҳридан Сардор Неъматов (чанг), Артем Ким (баян), Ислом Шарипов (ғижжак), Гулистон шаҳридан Аброр Мансуров (доира ва урма зарбли чолғулар), Бухоро шаҳридан Жамшид Султонов (қашқар рубоб) каби ёш созандалар кўрик-танловнинг биринчи даражали мукофотига сазовор бўлдилар.

Наргиза АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент давлат консерваториясининг 1-курс толибаси.

Олтин ёз

ОРОМГОҲЛАР КУТМОҚДА

Илм масканларида ўқишлар ҳам ниҳоясига етай деб қолди. Ҳадемай ўқувчилар ёзги таътилга чиқиб, сўлим оромгоҳлар томон йўл оладилар. Шу муносабат билан махсус мухбиримиз Дилбар ХЎЖАЕВА Республика Халқ таълими вазирлиги мактабдан ва синфдан ташқари ишлар бошқармасининг етакчи йўриқчи-услубчиси Шоира НУРИДДИНОВАдан ўқувчиларнинг ёзги таътилда мазмунли дам олишлари учун қандай ҳозирлик кўрилаётгани ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Ўқувчиларнинг кўнгилли дам олишини режалаштириш ва уни амалга оширишга вазирлигимиздан катта аҳамият берилмоқда. Ёзги дам олиш мавсумини ташкил этиш бўйича ўн икки кишидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Уларнинг вазифалари дам олиш мавсумини ташкил этиш ва қатъий назорат қилишдан иборат. Бу йил оромгоҳларда жорий таъмирлаш ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш тадбирлари қисқа фурсатда соз қилиб якунланади.

Шу кунларда оромгоҳларни ташкилотчилар, малакали тарбиячилар, мусиқа, жисмоний тарбия, тўгарак раҳбарлари каби педагогик ходимлар билан таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Педагогика олий ўқув юртлари, ўрта махсус педагогика билим юртлари ва барча ўқув муассаларининг раҳбарларига болаларнинг ёзги дам олиш мавсумига сафарбар этиладиган талабалар учун ўқув дастурларини 30 майгача тугаллаб, ёзги имтиҳонларни барвақт топширишга рухсат берилди.

Оромгоҳлардаги болалар билан ишлаш жараёнида талабаларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида махсус ўқув дастури асосида машғулотлар ташкил қилинади. Бу тадбирларга республика, вилоят, туман ва шаҳар мактабдан ташқари муассасалари бевосита кўмаклашмоқдалар. Жумладан, Республика ўқувчилар саройида Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг 200 га яқин талабалари билан амалий машғулотлар ўтказилди.

Ота-онасиз болалар, болалар уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандларига имтиёзли йўлланма берилади. Вилоятларда соғлиги заиф болаларга санаторий монанд соғломлаштириш оромгоҳлари очилади. Орол бўйидаги болаларнинг Тошкент шаҳри ва вилоятида ҳамда экологик жиҳатдан мусаффо бўлган жойлардаги оромгоҳларда кўнгилли дам олишлари мўлжалланмоқда.

Ёзги таътилда иқтидорли болаларнинг мазмунли дам олишларига алоҳида аҳамият берилади. Республика бўйича 2 минг 900 иқтидорли бола йўналишлари бўйича ташкил этилган оромгоҳларда бўладилар.

Мазкур масъулиятли тадбирларни амалга оширишда соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ-тартибот муассасалари, ҳокимиятлар, ёшлар иттифоқи, жисмоний тарбия ва спорт қўмиталари ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг бевосита ёрдамлари зарур.

Ҳамма ўқувчиларни оромгоҳларда дам олади, деб айтолмаймиз. Ана шундай ўқувчиларнинг маънавий камолотини юксалтириш мақсадида зарур чора-тадбирлар кўрилади. Ёзги соғломлаштириш оромгоҳларининг сонини ошириш ва мактабдан ташқари муассасалар, истироҳат боғлари, клублар қошида оромгоҳлар ташкил этиш мақсадида маҳаллий ҳокимиятлар билан ҳамкорликда ҳам маълум тадбирлар белгиланмоқда.

Туман, шаҳар, вилоятлардаги мактабдан ташқари муассасалар шароит ва имкониятларидан фойдаланган ҳолда хўжаликлар билан шартнома асосида меҳнат ва дам олиш масканлари очиши, болалар учун саёҳатлар уюштириши керак. Шунингдек, болалар маҳалла ва мактаблар ҳамкорлигида кичик корхоналар ва цехларга жалб этилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ўтган йили айрим йирик корхоналар, ташкилотлар мактаблар қошидаги оромгоҳ болаларини бепул овқатлантиришни ўз зиммаларига олган эдилар. Бу йил ҳам ана шундай ташаббус билан чиқилса, нур устига аъло нур булур эди. Демак, барча тадбирларни амалга ошириш жойлардаги ҳокимиятлар, касаба уюшмалари, соғлиқни сақлаш муассасалари, транспорт, давлат автомобиль назорати, савдо идоралари, жисмоний тарбия ва спорт қўмиталари ҳамда бевосита мутасадди ташкилотларнинг ташаббускорлигига боғлиқ.

Умид қиламизки, баҳамжиҳатликда амалга ошириладиган тадбирларимиз натижасида болажонларимиз оромгоҳларда яхши дам олиб, таътилни мазмунли ўтказадилар.

Қутлаймиз!

МУКОФОТ МУБОРАК!

Чирчиқ шаҳри ташкил этилганига 60 йил тўлди. Ана шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар меҳнаткашларидан бир гуруҳи мамлакатимизнинг фахрий мукофотларига сазовор бўлдилар.

Ушбу фармонга биноан халқ таълимини ривожлантиришдаги салмоқли ва камтарин хизмати эвазига 12-ўрта мактаб ўқитувчиси Клара Муҳамедовна Муродовага «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими» фахрий унвони берилди. Ҳамкасбимизни юксак унвон билан қизғин қутлаймиз.

ОТАХОН ДУОСИ

Яқина Қўшработ туманидаги «Урганжи» ижара хўжалиги ҳудудида жойлашган 80-мактабга уруш ва меҳнат фахрийлари ташриф буюришди. Отахонлар ўзларининг уруш давридаги босиб ўтган жанговар йўли ва Ғалабадан кейинги ҳаёти ҳамда фаолияти ҳақида йиғилганларга атрофлича сўзлаб бердилар.

Мактаб директори Боликул Хушвақтов жанггоҳларда шаҳид бўлган не-не ҳамқишлоқларининг номларини тилга олиб, кейинги 2-3 йил ичида Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан кексаларга эътибор кучайганлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишдан сўнг бир гуруҳ муаллим ва ўқувчилар ўзларининг беназир устози, кўп йиллар мактабда ўқитувчилик қилган Шамси бобо Қўшатовнинг хонадонига боришди. Шогирдларининг бу эҳтиромидан анча йиллардан бери оғир дарддан азият чекаётган уруш ва меҳнат фахрийси Шамси бобонинг кўнгли тоғдай кўтарилди. Шогирдларини дуо қилди.

Жўрақул ИСКАНДАРОВ,
«Маърифат» мухбири.

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

Сўнгги қўнғироқ! Ҳадемай битирувчи синф ўқувчилари учун сўнгги қўнғироқ чалинади. Эҳтимол, айрим ўйинқароқларга бу эмин-эркинлик муждасидир: «Ҳайрият, ҳар саҳар тура солиб, мактабга чопишдан, китоб-дафтарларга кўмилиб, диққинафас бўлишдан қутулдик...».

Сўнгги қўнғироқ! Бу азиз ва бокира укасингилларимиз учун ҳаяжонли, бир оз хавотирли, айни чоғда қувончли фурсатлардир. Тўғри, энди сизнинг яшашингизни қўнғироқлар чегараламайди, қўнғироқ чалинганда дарсга кириб, яна чалинганда чиқмайсиз. Энди сизни бошқа қўнғироқ уйғотади — бу Турмуш қўнғироқларидир. Энди сизни мактабнинг доно муаллимлари бошқа, янада интизомталаб муаллим қўлига узатишади. Бу муаллим — Ҳаётдир.

Сўнгги қўнғироқ! У асло сўнгги эмас, янги қўнғироқларнинг ибтидосидир. Битирувчи синф ўқувчилари учун у масъулиятни елкага олиш лаҳзалари келганидан дарак бериб жаранглайди. Полопон қушчалар сингари илк қўнғироқ чалинганда мактабга келдингиз. Сизни парвозга ўргатдилар. Энди сўнгги қўнғироқ чалиниб, учирма қилинмоқдасиз. Парвознинг завқи бор — бағрингизга ҳаво тегади. Унинг масъулияти ҳам бор — энди падару волидангиз, устозларингизгагина эмас, ўзингизга кўпроқ суянасиз, ўз вазнингизни ўз қанотингизга ташлайсиз. Қанотингиз эса мактабда олган илмингиздир. Илмингиз пишиқ бўлган бўлса, парвозингиз юксак бўлиши шубҳасиздир.

Сўнгги қўнғироқ! У чалингандан кейин ҳам сиз илм олишдан тўхтамайсиз, зеро замон, айниқса XXI аср бўсағасидаги шиддатли ҳаёт сиздан қувваи ҳофизангизни ҳар кун, ҳар соат, ҳар дақиқа тўлдириб туришни тақозо этади. Донолар: «Доимо қўшиб борилмаган билим доимо камайиб боради», — дейдилар. Ирмоқлардан озиқланиб турмаган дарё ҳам қурийди, буғланади.

Сўнгги қўнғироқ! У чалинганда сергак тортасиз. Бошингиз узра озод Ўзбекистон байроғи ҳилпирайди. Уни онангизнинг силкиб қолган рўмоли каби бир умр эслаб юрасиз. Давлат мадҳияси янграйди. Шу юрт фарзанди эканлигингиздан фахрланасиз. Энди унга муносиб бўлишингиз керак.

О, сўнгги қўнғироқ, сўнгги қўнғироқ!
Эркнинг овозидай ширин, улуғвор.
У сизни бир умр этади уйғоқ,
У сизни абадий айлайди ҳушёр!

Карим ҲАКИМ ўғли.

МАҲОРАТ ВА ИСТЕЪДОД КЎРИГИ

Оқолтин туманида «Йил ўқитувчиси —95» кўрик-танлови ўтказилди. Унда ўн нафар илғор ўқитувчи ўзаро беллашди. Дарснинг ноаънанавий усули, тест саволлари ва педагогик муаммолар, шунингдек, ўқитувчиларнинг иккинчи истеъдоди бўйича кўрик танловда биринчи ўрин «Оқолтин» ўрта мактаби тарих фани муаллими Шамсиддин Сапарниёзовга, иккинчи ўрин А. Ҳусанов номидаги 8-мактаб ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Баҳорой Лутфуллаевага насиб этди. Учинчи ўринни эса ёш иқтидорли муаллима, инглиз тилини чуқур ўрганиш мактабининг ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Тўлқинбек Холжўраев эгаллади.

Кўрик-танловга ҳокимият, туман халқ таълими бўлими, халқ таълими ходимлари касаба уюшма қўмитаси ва тумандаги хўжаликлар ҳомийлик қилишди.

Анвар Жавлонов.

***

Бундай тадбир Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида ҳам ўтказилди. Бунда туман мактабларидан саралаб олинган 11 нафар ўқитувчи иштирок этди. Қизиқарли жиҳати шундаки, танловда 6-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Султон Эшимбетов турмуш ўртоғи ва ҳамкасби Шароф Рашидов номидаги гимназиянинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Мукаррама Рўзиева билан саҳнада касб маҳоратлари бўйича куч синашди. Бунда Мукаррама Рўзиева барча шартлар бўйича кўп балл тўплаб, туман «Йил ўқитувчиси—95» кўрик- танловининг ғолиби бўлди.

Қизиқарли ўтган мазкур кўрик-танлов ва шу сингари тадбирлар тумандаги илғор ўқитувчиларни аниқлаш ҳамда илғор тажриба, яхши ташаббусларнинг кенг қулоч ёйишига ўзига хос замин яратаяпти.

Зевар ҚУТЛИМУРОДОВА,
Беруний туман Ҳамза номидаги 35-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ҲАМКОРЛИК

Яқинда Сирғали туманидаги Ҳамид Олимжон номидаги 237-ўрта мактабда шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти ташаббуси билан «Соғлом авлодни тарбиялашда маҳалла, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлиги» мавзуида мактаб раҳбарларининг анжумани ўтказилди. Анжуманда Усмон Юсупов маҳалласи фаоллари, ички ишлар, соғлиқни сақлаш ходимлари ҳам қатнашдилар.

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Яқинда Қўшкўпир туманида тарих ва география фани услубчилари, ўқитувчиларининг илмий-амалий семинар-кенгаши ўтказилди. Қатъий дастур асосида ташкил қилинган бу тадбир иштирокчилари (вилоят малака ошириш институти вакиллари, туманларнинг методик маркази услубчилари) туманда тарих, география фанларини ўқитиш борасидаги илғор иш тажрибалари билан танишдилар. Куннинг биринчи ярмида семинар қатнашчилари 20—21-мактабларда бўлишиб, бу билим масканларидаги ўқув хоналарининг жиҳозланиши, ўқувчиларнинг билим даражаси, ўқиш-ўқитиш ишларида қўлланилаётган замонавий услубларга доир янгиликларни ўрганишди.

— Шуниси диққатга сазоворки, — деди сўзга чиққан туман халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Д. Тангриберганов, — услубиёт маркази фаолиятида тубдан ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, янги ташкил қилинган тарих фани услубиёт хонаси кўпчиликнинг ҳавасини келтиради. Ушбу хонани созлаш, жиҳозлаш, безатиш билан боғлиқ ишларда катта услубчи Қутлимурот Жумабоевнинг шахсий ташаббусини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Дарвоқе, ҳар қандай тадбир унинг натижаси билан баҳоланади. Семинар-кенгашда иштирок этган кўплаб услубчилар ўз ҳамкасблари тажрибасидан баҳраманд бўлишди.

Меҳрибон ИСМОИЛОВА.
Хоразм вилояти.

ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИЛАР АНЖУМАНИ

НУКУС. Яқинда бу ерда Қорақалпоғистон Республикаси ижодкор ўқитувчиларининг IV анжумани бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманлардан 37 иқтидорли муаллим қатнашиб, ўзаро беллашди. Биринчи ўринни Нукус шаҳридаги Ушинский номли мактаб ўқитувчиси Даметкен Ойымурзаева, иккинчи ўринни Нукус туманидаги 16-мактаб ўқитувчиси [illegible], учинчи ўринни эса [illegible] туманидаги 21-мактаб ўқитувчиси [illegible], Тўрткўл туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси Санамжон Собуровалар эгаллашди. Ғолиблар Жиззах шаҳрида ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси ижодкор ўқитувчиларининг IV анжумани иштирокчиларига айланишди. Анжуманда Қорақалпоғистон [illegible] Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тулепберген Қайыпбергенов қатнашди.

Ғ. ЁКУБОВ,
ўз мухбиримиз.

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

ёхуд умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасида юз берган ноҳақликлар хусусида

Мен бир нарсага қаттиқ ишонаман: ёшларда шижоат бор, янгиликка интилиш бор, ихтиро қилишга, кашфиёт яратишга иштиёқ бор. Лекин уларнинг олдида катта бир тўсиқ турибдики, бу тўсиқни баъзан замбарак ўқи билан ҳам отиб қулатиб бўлмайди. Бу тўсиқнинг номи — бюрократия, таъмагарлик, маҳаллийчилик, уруғчилик.

Ўсиб келаётган ёшларга қулоқ солиши, мадад бериши лозим бўлган кўп мансабдорларда инсоф, диёнат йўқлиги ҳам шу тўсиқнинг бир кўринишидир.

И. А. КАРИМОВ.

БОБУР НЕГА ЙИҒЛАДИ?

Давлат ҳуқуқи асослари фани муаллимаси Сибинисо Бойматова учун Республика олимпиадаси ўтказилган кунлар чиндан ҳам ғаройиб бўлди. Аввалига компьютерда топширилган тест-синови натижаларини эшитиб, ўзига сиғмай қувонди. Чунки ўқувчиси Бобур Тўйчиев 1-тур натижаларига кўра 96,6 балл тўплаб, 2-натижа кўрсатган эди.

Иккинчи тур натижаларини эшитгач, устига худди бир челак совуқ сув қуйиб юборилгандек сесканиб кетди. Бобурни қидириб, ётоқхонага шошилди. Ва уни пиқпиқ йиғлаб турган ҳолда учратди. Муаллима учун ўқувчисининг кўзида ёш кўришдан оғир изтироб йўқ.

— Қўй, йиғлама, Бобуржон! — деди муаллима ва ўзининг ҳам овози титраб чиқаётганини сезди, мижжалари намланди.

Кейин... Ғузордаги шинам масканлардан бирида олимпиада якунига бағишланган хайрлашув кечаси бўлиб ўтди. Байрам бўлгандан кейин бундай кўнгилхушликлар ярашади-да, дерсиз. Эътирозимиз йўқ. Лекин, бу кеча ўқувчилар учун эмас, [illegible] учун уюштирилган, ўқувчиларнинг [illegible] ган эди.

Кўпчиликнинг эсида қолгани — [illegible] кириб келишди. Сибинисонинг эса [illegible] қизариб кетган Бобурни ўйлаб юраги ғаш, кўнглига чироқ ёқса ёришмасди.

Бундан ҳам қизиғи — давра очилиб куй-қўшиқ янграганда, ўртага навозиш билан Гулчеҳра Абророва чиқди. Аслида бунинг ҳеч қандай ёмон жойи йўқ. Даврада ким ҳам ўйнамаган. Ўйинга яраша кайфияти бордир-да!

Сибинисо бундай давраларга кўпам ўрганавермаган, оддий аёл. Даврада яқин дугоналари ўйнаб қолса, «ишқилиб мени тортиб қолишмаса-да», дея юрагини ҳовучлаб ўтиради. Буни қаранг, аксига олиб Гулчеҳра тўғри у томонга келиб, [illegible] Кимсан, беллашув масъул котиби [illegible] ўйинга тортса, унинг бу илтифотини рад этиб бўладими?

[illegible] ўйнаётган Сибинисо ҳайъат котибаси нега уни [illegible] ўйин давомида билди.

«Хафа бўлаверманг, ўқувчингиз институтга кириб кетади. Энди... Шундай қилмасак бўлмас эди». Котиба ростдан ҳам шундай дедими, ёки қулоқларига шундай эшитилдими, дафъатан айтилган бу гапдан Сибинисо ҳангу-манг бўлиб қолди. У хаёлини йиғиб олганида котиба ундан узоқлашиб кетган эди.

Сибинисо бу гапни кейин ҳам кўп эслади. Коса тагидаги ним косани анча кейин, Тошкентга югурлардан сўнг англаб етди. Хўш, бу гапда нима сир бор эди? Ана шу сирни билиш учун Бобурнинг бобоси Жиззах шаҳри М. Ортиқов кўчаси 9-уйда яшовчи [illegible] Низом Тўйчиев Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов номига, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошевга шикоят хати билан мурожаат қилди.

Отахонни юқори ташкилотларга ариза билан чиқишга нима мажбур этди экан? Тушунарли бўлиши учун қисқача маълумот берамиз. Шу йил 26—27 апрель кунлари Ғузор шаҳрида давлат ҳуқуқи асослари фани бўйича Республика олимпиадаси бўлиб ўтди. Биринчи тур, яъни ЭҲМда тест синовлари натижасига кўра 5 нафар ўқувчи иккинчи турда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Сурхондарёлик Ўткир Қобилов 98,7, жиззахлик Бобур Тўйчиев 96,6, наманганлик Севара Акрамқулова 94,5, андижонлик Мухтасар Тўраева 93, тошкентлик Мирмансур Мирҳамидов 92,4 балл натижа кўрсатди.

Тест ва ЭҲМ синовлари [illegible]

Хуллас, ҳакамлар ҳайъати аъзолари иккинчи тур натижаларига кўра «адолат» ўрнатишди. Ана шу «ҳакамлик адолати» отахонда норозилик уйғотган эди.

(Давоми 2-бетда)

ҚАНДИНГИЗНИ УРИНГ, ҲАЙЪАТ АЪЗОЛАРИ!

Инсоф юзасидан айтадиган бўлсак, Республика Таълим илмий-методика марказида шикоят хати кўриб чиқилди ва марказ директори, олимпиада ташкилий қўмитаси аъзоси К. Эшчонов номидан 11 апрель куни аризачига жавоб йўлланди. Мана, ўша хатдан парча:

«Ҳурматли Низомжон ака! Порлоқ истиқбол сари илдам қадам ташлаётган Ватанимиз келажаги ҳақида қайғуришингиз ниҳоятда диққатга сазовордир. Жўшқин ватанпарварлик ҳиссангизни олқишлаб Сизга тасанно айтамиз, узоқ ва фаровон ҳаёт тилаб қоламиз». Жавоб хатининг мана шундай ўта баландпарвоз жумлалар билан бошланганини кўриб на йиғлашингни, на кулишингни биласан. [illegible]

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

ёхуд умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасида юз берган ноҳақликлар хусусида

(Боши 1-бетда)

гиз Тўйчиев Бобур Рустамовични(!) республика ёш ҳуқуқшунослар олимпиадасидаги иштироки юзасидан норозилигингизни(!) сабаб бўлган масалани биз атрофлича ўрганиб чиқдик ва Сизга ушбуни маълум қилмоқчимиз» деб ёзилади. (Жумлани айнан келтирдик). Лекин, «атрофлича ўрганилган» бирон-бир янги гап айтилмайди. Н. Тўйчиевга аввалдан маълум (айнан Н. Тўйчиев норозилигига сабаб бўлган) маълумотлар яна бир карра такрорланади, холос.

Энди хатнинг Бобур тақдирини ҳакамлар ҳайъати фойдасига ҳал қилган иккинчи тур синовлари ҳақидаги қисми билан танишинг. Айнан парча келтирамиз:

«Иккинчи босқич синовларида набирангизга жами 2 та савол берилди. Саволларнинг биринчисига набирангиз масала моҳияти юзасидан етарлича маълумот бера олмади, буни унинг ёзма жавоби ҳам тасдиқлаб турибди».

Аввало биринчи савол юзасидан берилган жавобга эътибор қилинг. Биринчи савол ўзи нима эди? Хатдан буни билиш қийин. Урни келганда шуни ҳам айтиш жоизки, шахсан Бобурга, умуман олимпиада иштирокчиларига берилган оғзаки саволлар баёни ҳакамлар ҳайъати аъзолари расмийлаштирган бирорта ҳужжатда учрамайди. Ҳолбуки, ҳужжатлар ўз ўрнида расмийлаштирилиши, суҳбатни ўтказиш тартиби ишлаб чиқилиши, баённома, ўқувчиларга тушган саволлар мазмуни, ҳакамлар ҳайъати томонидан берилган қўшимча саволлар, ўқувчилар жавобининг қисқача мазмуни тузилиши лозим эди. Саволларга жавобларни олимпиада иштирокчиларининг ўзлари қоғозга туширишган. Бобурнинг ўз қўли билан ёзилган жавобига асосланадиган бўлсак, унга ҳуқуқ ҳақида савол тушган ва у қуйидагича жавоб берган: «Ҳуқуқ — давлат томонидан белгиланган, ҳамма ташкилотлар, ҳамма фуқаролар, ҳамма мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган хатти-ҳаракат, хулқ-атвор қоидалари тизими».

Наҳотки, бу жавоб «масала моҳияти»ни қамраб олмаган бўлса? Ана шу жавобга ҳакамлар ҳайъати аъзолари Вазирлик томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга хилоф равишда «0» баҳо қўйган. Аслида, 2-тур суҳбат жараёни 5 баллик тизим (5, 4, 3, 2) асосида баҳоланиши лозим эди. Ҳакамлар ҳайъати раиси И. Эгамбердиев Узбекистон халқ таълими вазири номига ёзган тушунтириш хатида буни қуйидагича изоҳлайди:

«Ёзма равишда ёзилган жавобларни қанчалик тўғрилигини ўша жойнинг ўзида текшириш имконияти бўлмагани учун уларга қисқача жавоб сўнг ёзилди. Тўйчиев Бобур биринчи саволига ёзган жавобини ўчириб жавоб бермади. Шунинг учун жюри аъзолари маслаҳатлашиб, «0» балл қўйдик. Низом бўйича 2 балл қўйиш керак экан. Бундай бўлишга мени Низомда кўрсатилган ҳолатларни чуқур ўзлаштириб олмаганлигим сабаб бўлди».

Ана холос! Майли, ҳайъат раиси бундан бехабар қолди, дейлик. Барча меъёрий ҳужжатлар «устахона»си бўлган РТИММ бўлим бошлиғи, бунинг устига ҳайъат котибаси Гулчеҳра Абророва қаёққа қаради экан?

Биринчи жавобнинг моҳиятига келадиган бўлсак, ҳурматли газетхон, уни неча баллга баҳолашни Сизга ҳавола қилиб, ҳуқуқ тушунчасига «Узбек энциклопедияси»нинг 14-жилдида ёзилган таърифни келтирамиз: «Ҳуқуқ — давлат томонидан белгиланган, ёки маъқулланган, ҳамма учун мажбурий бўлган, ҳамда бажарилиши давлат таъсир доиралари билан таъминланадиган хатти-ҳаракатлар мажмуи». Бобурнинг иккинчи саволга берган жавобига нисбатан ҳам марказ директорининг мактубида ва эксперт гуруҳи хулосаларида эътиборсизлик қилинган кўринади. Марказ директори иккинчи савол юзасидан Бобур берган жавобга тўхталиб қуйидагиларни ёзади: «Саволларнинг иккинчисига набирангиз асосан республикамиз Президенти нутқидан келтирилган айрим иборалар билан жавоб берган бўлиб, афсуски, ўз шахсий фикрини, тушунчасини аниқ баён эта олмаган».

Биз Бобурнинг ҳуқуқий давлат ҳақидаги иккинчи саволга берган жавоби билан ҳам танишдик. У, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сўзлаган маърузасида инсон ва давлат ўртасидаги муносабатлар ҳақида билдирилган фикрларининг айнан ўзи эди. (Бобур билан Жиззахга бориб учрашганимизда у ҳеч қандай тайёргарликсиз буни қайта айтиб берди).

Ҳа, марказ директорининг фикри тўғри. Лекин, Президент маърузасидан парча келтиргани учун Бобурга паст балл қўйилганлигини тушуниб бўлмайди. Наҳотки, хатни тайёрлаганлар ва унга имзо чеккан марказ директори ҳакамлар ҳайъати раиси И. Эгамбердиев, масъул котиб Г. Абророва, ҳайъат аъзолари А. Темиров, В. Костецкийлар ёзган тушунтириш хатидан бехабар қолган бўлишса? Тушунтириш хатида, жумладан шундай дейилади:

«27 марта был проведен 11 тур — собеседование. Участникам олимпиады были предложены вопросы, разложенные в конверты. В тематику собеседования были включены вопросы по докладу Президента Республики Узбекистан И. Каримова на 1 сессии Олий Мажлиса, вопросы экологии и др.»

Келинг, ҳайъат аъзоларининг Давлат тилига бўлган ҳурмат-эътиборларини алоҳида мавзу сифатида қолдирайлик-да, асосий гапга қайтайлик. Ҳайъат аъзолари жўяли жавоб бериш керак бўлган пайтда ўзларини нега гулликка солмоқдалар? Нега бир-бирларига зид жавоб ёзишмоқда? Нима қилиб бўлса-да, ўзларини «оқ» кўрсатишга уринишмоқда? Бунинг сабаби оддий. Учинчи ўринни Бобур Тўйчиев эмас, Мирмансур Мирҳамидов эгаллаши, тўғрироғи биринчи тур натижаларига кўра 1-, 4-, 5-ўринни эгаллаганлар иккинчи тур натижаларидан сўнг имтиёзли ҳуқуқларни қўлга киритишлари лозим эди. Буни оғзаки жавобларга берилган баллар яққол кўрсатиб турибди:

Уткир Қобилов 7 (98,7) — 105,7, Бобур Тўйчиев 3 (96,6) — 99,6, Севара Акрамқулова 4 (94,5) — 98,5, Мухтасар Тўраева 10 (93) — 103, Мирмансур Мирҳамидов 8 (92,4) — 100,4.

Аслида гап биз ўйлагандан хийла сирлироқ. Бобурга «0» балл қўйиш билан боғлиқ, меъёрий ҳужжатларни, Низомда кўрсатилган ҳолатларни гўё чуқур билмаслик оқибатида рўй бергандек туюладиган бу жиддий хато замирида бошқа нарсалар ётганлигини англаш учун ҳакамлар ҳайъати таркиб шаклланишини кузатишга тўғри келади. Ўтган йилда ўтказилган олимпиада ҳакамлар ҳайъатига Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институти проректори Миршоҳид Мирҳамидов раислик қилган, бу йил ҳам дастлаб унинг номзодига тўхталган эди. Кейинчалик ўғли Мирмансур Мирҳамидов шаҳар олимпиадасида ғолиб бўлгач, Низомга биноан раис ўзгарди. Узгарганда ҳам янги раисликка шу институт декани И. Эгамбердиев «танланди». Халқаро ҳуқуқ кафедраси мудири О. Муҳаммаджонов эса ҳайъат аъзолигига киритилди. Калаванинг учи мана шу ерда эди. Афсуски, ташкилий қўмита бунга ўз вақтида эътибор бермади, тўғрироғи чуқур илғай олмади.

Энди ўзингиз хулоса чиқараверинг: ЭҲМ адолатлироқми ёки ҳайъат аъзолари? Ерни деҳқон, ҳуқуқни ҳуқуқшунос бузади, деганлари шумикан?

ОҒЗАКИ СУҲБАТ «АФЗАЛ»ЛИКЛАРИ

Қуйидаги ривоятни асли мақоламиз бошида келтирмоқчи эдик. Лекин давлат ҳуқуқи асослари ва география фанлари бўйича ўтказилган олимпиадада йўл қўйилган жиддий хатолар, улардаги ўхшашликни назарда тутиб ушбу ўринда тилга олишни лозим топдик.

Бир киши далада ер чопаётган экан. Кутилмаганда ўғли югуриб келиб қолибди. «Ота, ота, — дебди у ҳовлиқиб. — Бало келаяпти». Кўпни кўрган отаси ваҳимага тушиш ўрнига вазмин жавоб берибди: «Бориб билиб кел-чи, болам, ўша балонинг оғзи бормикан?». Хиёл ўтмай, ўғли яна чопиб келибди: «Балонинг оғзи бор экан, ота...». «Ҳа, баракалла, — дебди отаси. — Оғзи бор бўлса, безовта бўлма, ёпамизда-қўямиз».

Қандай тушунсангиз тушунингу, ЭҲМнинг оғзини ёпишдан кўра, одам боласининг оғзини ёпиш осонроқ экан. Лекин, бу кетишда ЭҲМнинг ҳам оғзини ёпиш чорасини топамиз-ов. Йўқ, биз кимнидир «оқ», кимнидир «қора» деб кўрсатиш учун келтирмадик бу ривоятни. Мантиқий мушоҳада шундай дейишга асос бўлади. Бўлмаса, нима учун ЭҲМда давлат ҳуқуқи асослари фани бўйича 4-, 5-натижа кўрсатган ўқувчилар оғзаки суҳбатдан сўнг 2-, 3-ўринга чиқиб қолишди? Оғзаки суҳбатнинг яна бир «хосияти — ЭҲМда 7-, 8-натижа кўрсатганлар охир-оқибат 1-, 2-ўринларни эгаллашлари ҳеч гап эмас экан. Географиядан Андижон шаҳрида бўлиб ўтган олимпиаданинг биринчи босқичидан сўнг тошкентлик ўқувчи Равшан Райимжонов иштирокчилар ичида энг юқори — 44 балл тўплади. Самарқандлик Жамшид Зоиров (35,2) ва наманганлик Анвар Мамажонов (33) 7-, 8-натижа кўрсатишди. Яхшиямки, оғзаки суҳбат бор экан. Бу ЭҲМ қурғурнинг тошкентлик ўқувчига «ён босганида» «маҳаллийчилик» йўқмикан? Ҳарҳолда ноёб техник жиҳозлар улкан шаҳарлардаги заводларда «туғилади-да». Балки шунинг учун Самарқанд ва Наманганни кичкина шаҳарлар қаторида кўрганмикан? Ҳар нечук, бу Низомда кўзда тутилганидан тенг ярми қатнашмаётган, масъул котиб Муаттар Раҳимова етакчилик қилаётган ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг бошларини қотириб қўйди. Бундоқ бир жўяли маслаҳат берадиган одамни қаёқдан топишса экан? Ҳайъат раиси Паёз Мусаевдан сўрайлик дейишса, у оилавий шароитига кўра олимпиадани ташлаб, Тошкентга кетиб қолди. Раис муовини П. Ғуломов эса рўйхатда бору ўзи йўқ. Вазирликка мурожаат қилайлик дейишса, улар ҳам Тошкентдай катта шаҳардан, ЭҲМга ён босишлари аниқроқ. Э, шунга ҳам ота гўри қозихонами? Энг қийин саволга бир-биридан хийла узоқдаги икки вилоят ўқувчиси қойиллатиб бир хил жавоб беришса қандоқ бўлар экан? Истеъдодлар бир-бирларига ўхшаб кетганларидек, яхши муаллимлар ҳам бир-бирларига ўхшайдилар. Келбатини келтириб, бир хил ёзиш-чизишни ўргатиб қўйишган бўлишса-чи? Бинобарин, ЭҲМга мақтаниш учун йўл бўлсин!

Дарвоқе, шундай бўлди ҳам. Оғзаки савол-жавоблардан сўнг ЭҲМнинг «попуги» пасайтириб қўйилди. Оқибат-натижа шу бўлдики, Жамшид Зоиров 60,2 балл билан 2-ўринни, Анвар Мамажонов 58 балл билан 3-ўринни эгаллади. Равшан Райимжонов эса 56 балл тўплаб имтиёзли ҳуқуқдан маҳрум бўлди. Биринчи ўрин ҳеч кимга берилмади.

Текшириш якунлари ҳақидаги ҳужжатларни кўздан кечириб, шу нарсага амин бўлиш мумкинки, оғзаки саволларга жавоблар учун айрим ўқувчиларга ошириб, бошқаларга эса камайтириб баҳо қўйилган. Шу билан бирга беш саволдан учтаси ўрта мактабларда ўқитиладиган география фани мазмунидан келиб чиқмаган. Тўғрироғи, дарсликларда йўқ мавзулардан олинган: «Пахтачилик мажмуини схемада ифодаланг», «Сертификат нима?», «Қисман конвертерланган пул атамасини изоҳланг». Энг ажабланарлиси, ўн тўрт ўқувчидан фақат иккитаси — А. Мамажонов ва Ж. Зоиров пахтачилик мажмуи схемасига оид ўқувчилар учун ғоят мураккаб саволга қисқа вақт ичида айнан бир хил жавоб беришган. Қолаверса, бу икки нуфузли ўрин соҳибларининг қолган саволларга ёзган жавоблари ҳам эгизаклиги билан кишида шубҳа туғдиради.

АДОЛАТНИНГ ЧАҒИР СЎҚМОҒИ

Бу камчиликлар, албатта, ноҳақ жабр кўрган ўқувчиларнинг ўзлари ва ота-оналари Халқ таълими вазирлиги ҳамда Узбекистон Республикаси Президенти девонига мурожаат қилганларидан сўнгтина аниқланди. Бундан даромад шулки, ота-оналар мурожаат қилмаганларида ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолиб кетаверар, Президент девони аралашмаганида ишлар босди-босди қилиб юборилаверар эди.

Ҳуқуқшунослик фани бўйича шикоят хати қандай кўриб чиқилганини яна бир бор эслайлик. РТИММ директори, ташкилий қўмита аъзоси Комил Эшчоновнинг Низом Тўйчиев аризасига ёзган юзаки жавоби ҳақида мақоламиз аввалида айтиб ўтдик. Энг ачинарли томони, мазкур шикоят хати муҳокама қилинганида ташкилий қўмита аъзолари ҳам, аппеляция гуруҳи аъзолари ҳам олимпиада натижаларини чуқур ўрганиб чиқишмаган. Ҳайъат аъзолари хулосаларига ортиқча ишонишиб, лозим даражада қатъият кўрсатишмаган. Н. Тўйчиевнинг шикоят хатини атрофлича ўрганиб чиқиш ўрнига Тошкент шаҳар ХТББ малака ошириш методисти М. Муйдинова аризасида келтирилган оғзаки кўрсатмаларга биноан исбот этиб бўлмайдиган таъмагарлик ҳақидаги маълумотларни ҳакамлар ҳайъати аъзолари фикрига биноан рад этиш билан машғул бўлишган. Ҳолбуки, Бобур Тўйчиевнинг биринчи саволга ёзган жавобига «0» балл берилишининг ўзи аниқ мақсадни кўзлаб иш тутилганига ёрқин далолат эди.

Низом Тўйчиев ўз аризасида Мирмансур Мирҳамидов 92,4+8=100,4 балл тўплаганини, аммо унинг жами йиққан баллари якуний ҳужжатларда 102,4 қилиб кўрсатилганини алоҳида таъкидлаганига қарамай, ташкилий қўмита ва аппеляция гуруҳи унинг натижасини 102,4 деб тасдиқлаб юборишаверган. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари тушунтириш хати ёзишга жазм қилар эканлар, адолатни тан олиш ўрнига бошдан-охир ўзларини оқлашга киришганлари кишини ташвишга солади. Буни шундан ҳам кўриш мумкин, РТИММ директори К. Эшчонов ва Аппеляция комиссияси раиси Н. Солихўжаева Узбекистон халқ таълими вазири номига йўллаган хатларида шундай хулосаларни баён қилишади:

«Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ва таҳлил этиш шуни кўрсатдики, ҳуқуқшунослик... фани бўйича беллашув ЎзР ХТВ томонидан тасдиқланган Низом ва унга илова этилган тушунтириш хати (баҳоларни аниқлаш мезони)га қатъий риоя қилинган ҳолда олиб борилган, ҳеч қандай адолатсизликларга йўл қўйилмаган. Аризачиларнинг бошқа фикрлари эса масаланинг моҳиятидан узоқ бўлиб, махсус ташкилотлар томонидан текширишни талаб этади.

Бироқ география фани бўйича ўтказилган Республика олимпиадасида Низом талаблари ва қоидалари бузилганлиги аниқланди. Аппеляция комиссияси мазкур фан бўйича ўтказилган Республика олимпиадаси натижалари юзасидан ҳакамлар ҳайъати болаларни синовда тўплаган балларини нотўғри баҳолаганлигини, қабул қилинган мезонлар қўпол равишда бузилганлигини аниқлади. Олимпиада ҳақидаги Низомнинг 3.5-бандига асосан олимпиада ҳайъатининг қарори бекор қилинди. 11-синф ўқувчилари орасида энг юқори фоиз натижа кўрсатган ўқувчиларга ЎзР ХТВнинг буйруғига асосан 1-, 2-, 3-ўринлар берилиши мақсадга мувофиқ деб топилди».

Масаланинг бундай ҳал этилиши гарчи ҳакамлар ҳайъати аъзолари учун кўнгилдагидек иш бўлсада, адолатсизлик бартараф этилмаган эди. Шу боис жабрдийдалар ҳақиқат излашда давом этиб, Президент Девонига мурожаат этишга мажбур бўлишди.

ОЛТИНЧИ ХУЛОСА

Девон топшириғига биноан Республика олимпиадалари натижаларини атрофлича текшириб чиққан Узбекистон ХТВ Давлат таълим стандартлари бўйича Республика инспекциясининг хулоса ва таклифлари Вазирлик ҳайъат йиғилишида жиддий кўриб чиқилди. Ҳайъат йиғилиши қарорига биноан Республика олимпиадасини ўтказишда қўпол хатоликларга йўл қўйганликлари учун Вазирликнинг бу ишга мутасадди ходимларига нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Эгаллаб турган вазифаларидан озод этилдилар. Бу ҳақда газетамизнинг 3 май сонида батафсил ахборот берганлигимиз учун уларни яна қайтариб ўтирмоқчи эмасмиз. Муҳими шуки, адолат қарор топди. Вазирлик ҳайъат йиғилишида эксперт гуруҳининг «Давлат ҳуқуқи асослари» фанидан 1- ва 2-тур якунларини қайта кўриб чиқиб, ҳакамлар ҳайъати совриндор ўринларни белгилашда хатога йўл қўйганини эътироф этиб, тасдиқланган баҳолаш мезонларига мувофиқ Бобур Тўйчиев 101,6 балл, Мирмансур Мирҳамидов эса 100,4 балл тўплаганлиги, шу асосда Бобур Тўйчиев — 3-ўрин, Мирмансур Мирҳамидов — 4-ўринни эгаллаганлиги ҳақидаги хулосаси тасдиқланди.

География фанидан 11-синфлар учун ўтказилган олимпиаданинг Республика босқичида Низом талаблари, баҳолаш мезонларининг бузилганлиги сабабли унинг натижалари бекор қилинди. 12 май куни бўлиб ўтган қайта беллашувда Равшан Райимжонов энг юқори кўрсаткичга эришди. Бироқ тўпланган баллар олимпиадаларни ўтказиш ҳақидаги тушунтириш хатида белгиланган 75 фоиз ва ундан юқори даражага мувофиқ келмаганлиги учун ҳеч бир ўқувчига имтиёзли ҳуқуқ берилмади. Адолатсизликнинг мантиқий якуни сифатида қараладиган бўлса, шундай бўлиши тушунарли.

Равшан Райимжонов имтиёзли ҳуқуқни қўлга киритмаган бўлсада, иштирокчилар ичида энг билимли эканлигини исбот қилди. Лекин, чуқур мушоҳада қилинса, имтиёзли ҳуқуқ берувчи баллар фоизини 75 дан 100 фоизгача, она тили ва адабиёти фани бўйича эса 80 фоиздан 100 фоизгача деб белгиланиши ва шундай ҳолдагина имтиёзли ҳуқуқлар берилиши олимпиадаларни ўзаро ижодий баҳс, байрамона маросимдан кўра иштирокчилар учун изтиробли, олдиндан нима қилиб бўлса ҳам танланган ўқувчиларни юзага чиқариш тадбирига айлантириб қўяди. Олимпиада билимнинг эркин намойишидан кўра маълум кўрсаткичга эришиш марафони бўлиб қолади. Ҳолбуки, бундай жумҳурият миқёсидаги тадбирлар мактаблардаги фанларни ўқитиш билан боғлиқ мавжуд ҳолатни тўғри кўрсатиб берувчи барометр вазифасини ўташи, қаерда, қандай фан яхши ўқитилаётганини, ижодкор муаллимларни, қайси вилоятда таълим-тарбия ишларини янада яхшилаш зарурлигини ҳам аниқлаб бериши лозим. Бир сўз билан айтганда, ўқувчилар ҳар қандай ташқи таъсирлардан холи, ўзларини ўзлари саралашлари учун имконият яратиш лозим. Шундагина имтиёзли ўринни эгаллаган ўқувчиларда ўз севган фанларига рағбатлари янада ошади, бундай ҳуқуққа эга бўлмаганларнинг ҳам кўнгиллари совумайди, янада чуқурроқ ўрганишга иштиёқлари ортади. Бу фикрларга олимпиада натижаларидан келиб чиқадиган мантиқий якун сифатида қаралишини истардик.

Шундай мулоҳазаларнинг ўзиёқ олимпиада энг аввало табиий зарурат эканлигини, ҳаётдан тобора чуқурроқ ўрин топиб бораётганлигини, уч йил давомида маълум тажрибалар юзага келганлигини, бир қанча ташкилий ишлар амалга оширилганини кўрсатади. Бу йил 19 фан бўйича олимпиада ўтказилган бўлса, шундан тўрттасида (давлат ҳуқуқи асослари, география, тарих, математика) раҳбар ходимларнинг ўз вазифаларига масъулиятсизлиги туфайли жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги фикримизга далил бўлади. Шу билан бирга олимпиада якунлари талай ташкилий хулосалар чиқаришни тақозо этади.

Биринчи хулоса шуки, олимпиадани ўтказиш Низоми, тартиблари, баҳолаш мезонлари тубдан қайта кўриб чиқилиши зарур. Олимпиада ҳамма босқичларда ягона тартиб, талаб ва мезон асосида ўтиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчи хулоса. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари таркибига биринчи галда ҳалол, масъулиятли, ҳамкасблари орасида хусусан ана шу хислатлари билан обрў-эътибор топган мутахассисларни киритиш, ҳайъат аъзоларининг тўлиқ таркибда иштирок этишларини қатъиян йўлга қўйиш лозим. Негаки, бу йилги олимпиада жараёни ҳакамлар ҳайъати таркибига тавсия этилган ходимлар, айниқса, масъул котибларнинг аксарияти зиммаларига юклатилган вазифага масъулиятсизлик билан ёндашганликларини, айрим ҳолларда ўзларига берилган ҳуқуқларни суиистеъмол қилишгача бориб етганликларини кўрсатди. Шу билан бирга республика Таълим илмий-методика маркази ҳакамлар ҳайъати аъзолари, уларнинг ҳуқуқ ва вазифалари аниқ белгиланган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишлари зарур. Ҳакамлар ҳайъати масъул котиби вазифасига сурункасига бир неча йил бир кишини тайинламаслик қоидасини жорий этиш ҳам муҳим. Бу ўринда Г. Абророванинг мутахассис бўлмаса-да, кетма-кет уч йил ҳуқуқшунослик фани бўйича масъул котиб этиб тайинланиши қандай салбий оқибатларга олиб келганини унутиб бўлмайди.

Учинчи хулоса. Тест саволларини тузишда изчилликка эришиш, улар махфийлигини таъминлаш, мактаб дастуридан чиқиб кетиш ҳолларига йўл қўймаслик мақсадида уларни олимпиада арафасида Давлат тест марказидан олишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчи хулоса. Олимпиада ўтаётган жойга ўқувчилар ота-оналарининг ўз ҳисобларидан қатнашишлари учун монеълик қилмаслик керак. Уларнинг олимпиадада иштирок этишлари анжуманга байрамона руҳ беради, кераксиз миш-мишларнинг олдини олади. Ота-оналар вакилларининг уларнинг ўз таклифларига биноан олимпиада жараёнида иштирок этишларига рухсат беришни ҳам ўйлаб кўрилса, ёмон бўлмасди. Бу анжуманга ошкоралик, ҳаққонийлик бахш этади.

Бешинчи хулоса. Бу йилги олимпиада натижалари турли доираларда ҳар хил фикрлар уйғотмоқда. Уларни ихчам шаклда қуйидагича ифодалаш мумкин: Ун биринчи синф ўқувчилари учун имтиёзли ҳуқуқларни бекор қилиш. Фақат тест синовлари орқали шундай имтиёз бериш. Ҳар қандай чегиришларни истисно қилиб, энг юқори натижага эришган уч ўқувчига имтиёз бериш.

Булар, шубҳасиз, атрофлича мушоҳада юритишни тақозо этади.

Ниҳоят, олтинчи хулоса. Ҳар қандай ишга, жумладан, олимпиада ўтказишга жавобгар шахсларнинг мустақил Узбекистон истиқболи, ёш авлод камолоти олдидаги бурчи, масъулияти.

Маълумки, юртбошимиз мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки пайтлариданоқ давлатимиз танлаган йўл ҳуқуқий-демократик, инсонпарвар жамият қуриш эканлигини эълон қилди. Кейинроқ эса бу тушунчани янада бойитиб, биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қуриш ниятида эканлигимизни таъкидладилар. Дарҳақиқат, одил жамият адолат ва ҳақиқат ғояси қарор топган жамиятдир. Бундай жамият қуришнинг асосий шарт-шароити ким қаерда, қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, ўрнатилган ҳуқуқ ва бошқа қоидалар асосида фаолият кўрсатишини тақозо этади.

Қонун ва бошқа ҳуқуқий меъёрларнинг кичик бир бузилиши ҳам охир-оқибатда фуқароларнинг адолатга бўлган ишончларини сусайтиради. Унутмаслик кераккки, таълим билан шуғулланувчи ҳар қандай киши, аввало, тарбиячидир. Улар, керак бўлса ўзини тутишидан тортиб, бутун хатти-ҳаракати давомида ёшлар тарбиясига таъсир кўрсатади. Олимпиадада қатнашаётган боланинг тийрак назаридан ғирромлигу кўзбўямачилик, таъмагирлигу маҳаллийчилик — ҳеч нарса четда қолмайди. Шунинг учун мақоламиз сўнгида ёш авлод тақдирига лоқайд қараётган масъул ходимлар ва педагогларга нисбатан: «Ҳар бир фуқаро тенг имкониятга эга бўлган бир Ватан фарзанди. Имконият тенг бўлсагина адолат қарор топади. Иймонли бўлинг, инсофни унутманг!» дегимиз келади.

Икром ИСКАНДАР,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Газета саҳифаланаётганда:

МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ

Ассалому алайкум, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич Каримов!

Улуғ сана — Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги кенг нишонланаётган бир пайтда мендек уруш ногирони умид тўла ишонч билан паймол бўлган ҳақиқатнинг юзага чиқишини сўраб ёзган аризамга адолат нуқтаи назаридан самимий ёндашганингиз ва адолатли ҳал қилганингиз учун Сизга чуқур миннатдорчилик изҳор қиламан.

Набирам тақдирини ўйлаб нажот сўраб ёзган хатимга билдирилган эътибор мен каби республиканинг бутун бир заҳматкаш, жафокаш меҳнаткашлари тақдирига, буюк давлатимизнинг келажаги ёш авлод тақдирига билдирилган эътибор деб биламан. Адолат йўлида олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатингизга Оллоҳнинг ўзи ҳамиша мададкор бўлсин!

2-гуруҳ уруш ногирони Низом Тўйчиев,
Жиззах шаҳри М. Ортиқов кўчаси 93-уй.

Туркистон — умумий уйимиз

БИР ЧИНОРНИНГ БУТОҚЛАРИМИЗ

20 майда Қозоғистонда Ўзбекистон Республикаси кунлари бошланади

Узбек ва қозоқ жуда қадимдан бир дарёдан сув ичиб, қиз олиб, қиз берган жондош-қондош халқлардир. Улар бир-бирларига жуда яқин тарихий шароитда яшаб келганлар. Тарих бу халқларнинг аралаш ҳолда ҳаёт кечирган замонларини ҳам билади. Бу халқларнинг турмуши, урф-одатларида ҳам ўхшашлик жуда кўп. Масалан, «Тоҳир ва Зуҳра», «Юсуф ва Зулайҳо», «Сайфул Мулук» каби қисса-достонларининг қозоқлар орасида севиб ўқилиши, шунингдек, «Алпомиш», «Гўрўғли», «Қиз Жибек» каби гўзал асарларнинг икки халқ томонидан бирдек қуйланиши фикримизнинг далилидир.

Атоқли давлат арбоби, саркарда, шоир ва ўз даврининг етук олими Бобур ҳам «Бобурнома» — тарихий-бадиий асарида қозоқ халқига, унинг тарихи ва табиатига боғлиқ ўзининг ажойиб фикр ва мулоҳазаларини ўта самимият билан баён қилади. У бирор тарихий воқеани ҳикоя қилар экан, кўпинча, аввал воқеанинг ўрнини, баъзан воқеа давомида чекиниш қилиб, жой ёки манзарани батафсил тасвирлайди.

Қозоқ халқининг Утрор, Туркистон, Сайрам каби гўшалари, Сайҳун—Сирдарё, Арис дарёлари тасвири ҳам шулар жумласидандир.

Бобур ўз асарида қозоқ хонлари, султонлари, олимлари ҳақида батафсил тўхталади. Жонибек, Қосимхон, Адик Султон, Муҳаммад Ҳайдар Дулатий ҳақида маълумот бериб, ўзининг фикрини айтади. Масалан, Қосимхон ҳақида: «...Дерларким, қозоқ хон ва султонлари орасида ҳеч ким ул улусни Қосимхонча забт қилғон эмастур. Черикини уч юз мингча ёвуқ чекарлар эди», — деб ёзади.

Бобур «Бобурнома»да қозоқ хони, бобоси Юнусхоннинг онаси ҳақида маълумот бериб: «Юнусхоннинг онаси туркистонлик қипчоқ бекларидан Темурбек риоят қилғон шайх Нуриддинбекнинг қизи, ё невараси бўлур», — дейди. Бобурни Юнусхоннинг қизи Қутлуғнигор хонумдан туғилганини Пиримқул Қодиров ҳам таъкидлаб, «Юлдузли тунлар» романида: «Бет очар» деган одатга биноан, ёш келинчакнинг юзидаги пардасини пок нафасли ёш бола очиши керак эди. Уша кунларда Қутлуғнигор хонум беш ёшли жажжи ўғли Бобурни Самарқандга тўйга олиб борган эди. Султон Аҳмад Мирзонинг ўғли йўқ эди. Бобурга подшоҳ оиласи ҳавас билан қарар эди», — дейди.

Қозоқ хони Султон Аҳмад ҳақида маълумот бериб, Юнусхоннинг иккинчи хотини Шоҳ бегимдан туғилганини, ўзининг тоғаси эканини таъкидлайди.

«Бобурнома»да қозоқ тарихчиси Муҳаммад Ҳайдар Дулатийнинг Юнусхоннинг севимли бойвуччаси Эсан Дулат беканинг учинчи қизи — Хубнигор хонумдан туғилгани ҳақида маълумот беради. Бобур у ҳақда: «Хуб Нигор хонумнинг ўғли Ҳайдар эди. Отасини ўзбек ўлтургандин сўнг келиб уч-тўрт йил менинг мулозиматимда туруб, сўнгра ижозат тилаб Кошғарға, хон қошиға борди».

Бундан чиқди, қозоқ тарихчиси Муҳаммад Ҳайдар Дулатий Бобурнинг бўласи бўлган. Шунингдек, Заҳириддин Бобур берган маълумотга қараганда, унинг отаси Умаршайх Мирзо номи жаҳонга маълум Амир Темур Қурагоннинг наслидан чевараси бўлса, онаси чиғатой авлодидан чиққан Юнус байвуччаси — Эсон Дулатнинг иккинчи қизи — Қутлуғ Нигор хонум. Учинчи қизи — Хуб Нигор хонум қозоқ тарихчиси, «Тарихи-Рашиди»нинг муаллифи Муҳаммад Ҳайдар Дулатийнинг онаси бўлади. Юнусхоннинг катта ўғли — Султон Маҳмуд 1487-1503 йиллари Тошкентда хон бўлиб турганида кичик ўғли Султон Аҳмад (Олачахон) қозоқ халқига хонлик қилган. У ҳақда Бобур «Олачанинг важҳи тасмияси муни дерларким, қалмоқ ва мўғул тили била ўлтирувчини «олача» дерлар. Қалмоқ элини неча қатла босиб, қалин кишисини қирғон учун Олача дей-дей касрати истеъмол била Олача бўлубтур», — деб ёзади.

Қозоқ халқининг мумтоз шоири Абай Қунонбоев ўзининг «Бирор сўз қозоқнинг таги қаердан келиб чиққани ҳақида» деган нақл сўзида, қозоқ халқининг келиб чиқиш тарихини таърифлар экан, Бобурнинг «Бобурнома»сига мурожаат қилади. Масалан, «Атоқли Бобур шоҳнинг онаси билан бир туғишган бавури бўлган. Булар чиғатой наслидан Юнусхоннинг болалари бўлган» дейди ва яна: «Каттаси Тошкентда хон бўлиб, кичиги қозоқни сўраган. Уша қозоққа бийлик қилганнинг оти — Аҳмад экан. У ўз даврида ёвгарчиликка ярайдиган қозоқдан уч юз аскар олиб, уч юз бошига бийлик қилдирибди. Ҳар юзнинг халқи ўз аҳиллиги билан бир туғишган ҳисобланибди. Қозоқнинг «уч юз минг боласи» дейишининг сабаби шу», — дейди шоир, яна: «Аҳмадхон қалмоқни кўп қирибди. Қалмоқ раҳмсизлигига қараб, «бу бир олача бўлди-ку», — депти, жон олувчи дейишнинг ўрнига. Шунинг учун у киши Олача хон аталибди», — деб таърифлайди.

Бу маълумотлар, тарихий ҳужжатлар қозоқлар билан ўзбекларнинг келиб чиқиш таги бир, бир ота-онанинг фарзандлари эканлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам буюк саркарда, шоир, олим — Бобур қозоқ халқининг ҳам ардоқли ва севимли фарзанди, десак янглишмаймиз.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси, журналист.

ДЎСТЛИГИМИЗ АБАДИЙ

Ҳозирги пайтда Ўзбекистондаги 605 та мактабда дарслар қозоқ тилида олиб борилади. Бу мактабларда 144.970 нафар қозоқ миллатига мансуб ўқувчилар таълим-тарбия олишмоқда.

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 36-мактабда 200 нафардан ортиқ ўзбек ва қозоқ ўғил-қизлари бир оила фарзандларидек таълим-тарбия олиб келишмоқда. Уларга халқ таълими аълочиси Ислом Исмоилов бошчилигида Т. Маюсупова, М. Абдуллаева, Т. Мўминов сингари қозоқ тилини ўз она тилларидек биладиган фидойи ўқитувчилар сабоқ беришади. «Ислом ака, сиз қозоқ болаларига математикадан дарс беришда қийналмайсизми?» — деган саволимизга у: «Қозоқ тили — менинг иккинчи она тилим, сабаби, мен қозоқлар орасида ўсиб, улғайганман. Иккинчидан, Президентимиз Ислом Каримов яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида «Туркистон — умумий уйимиз» деганларида бу икки халқнинг қондош-жондош эканлигини ҳам назарда тутгандилар.

Ҳақиқатан ҳам 36-мактабда таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Бу илм масканида тарихий саналарга бағишлаб ўтказиладиган турли тадбирлар ҳар икки тилда олиб борилади.

Т. ҚИДИРАЛИЕВ.

АЖДОДЛАР МЕРОСИ МУҚАДДАС

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 254-мактабда турли тадбирлар, бадиий кечалар, учрашувлар ўтказиш анъана тусини олган. Ўқув даргоҳида мана бир неча йиллардир, «Маънавий мероса ихлос» маркази фаолият кўрсатиб келаяпти. Унга шоир Тўлқин бошчилик қилмоқда. Куни кеча марказ ташаббуси билан «Аждодларимиз мероси — мафкурамиз мазмуни» мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва серқирра фаолиятига бағишланди. Унда йирик тарихшунос олим Бўривой Аҳмедов, ёзувчи Маъруф Жалил, Ҳамза театри артисти Толиб Каримов, Ҳайдар Муҳаммад каби ижодкорларнинг иштирок этганлиги ўқувчиларга қўл келди. Улар мактаб саҳнасида Маъруф Жалилнинг «Соҳибқирон» драмасидан бир кўриниш ижро этишди. Мунозараларда Амир Темур ҳақидаги ривоятлар тингланди, янги маълумотлар келтирилди.

Алимурод МАМАДАМИНОВ олган сурат.

ХАЙРЛИ АНЪАНА

Тошкент педагогика коллежида ранг-баранг ўйинлар, турли мусобақалар ўтказиб туриш анъанага айланган. Бу каби қизиқарли тадбирларни ташкил этишда коллеж директори Мунаввар Исмоилова ва жисмоний тарбия раҳбари Зайниддин Икромовнинг ҳиссалари беқиёсдир.

Куни кеча коллежда Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган гуруҳлараро спорт мусобақалари ниҳоясига етди. 54 та гуруҳ спортнинг волейбол, баскетбол, қўл тўпи, стол тенниси, шахмат, шашка, енгил атлетика, бадиий гимнастика турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Қизиқарли ўтган тадбирнинг якунловчи босқичида бадиий гимнастика бўйича гуруҳларнинг чиқишлари мусобақага байрамона кайфият бағишлади ва 3-А, 3-Ж, 2-Д, Т-2 гуруҳлари ғолиб деб топилди. Қолган турлар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

1994 — 95 ўқув йилида оммавий спорт мусобақаларида актив қатнашганликлари ва «Соғлом авлод учун» комплекс дастурни бажаришда юқори натижаларга эришганликлари учун коллеж жамоаси ва ғолиб гуруҳлар халқ таълими вазирлиги ҳамда Чилонзор тумани спорт қўмитаси ва «Саломатлик» клубининг фахрий ёрлиқлари ва совринлари билан тақдирланди. Колеж ёшлар иттифоқи ва касаба уюшмаси қўмитаси ҳам ғолибларга ўзларининг эсдалик ва қимматбаҳо совғаларини топширди.

Улуғбек ОДИЛОВ.

АЛОҲИДА БАҲО ҚЎЙИЛАДИ

математикадан битириш имтиҳонларини ўтказиш ҳақида тавсиялар

Халқ таълими вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларида 1994-95 ўқув йилини якунлаш ҳамда синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларини ўтказиш тўғрисида»ги буйруғига мувофиқ мазкур йилда 9 ва 11-синфларда математика (ёзма)дан битириш имтиҳонлари ўтказилади. Аввалги йилларда математикадан ёзма имтиҳонлар вариантлар асосида ўтказилиб келинди. Бу усулнинг ижобий томонлари билан бирга маълум камчиликлари ҳам борлиги кўзга ташланди. Чунончи, вариантлар асосан алгебра ва анализ асосларидан тузилган бўлиб, геометрия бир четда қолиб кетган. Бундан ташқари, бир хил вариантни ишлаган ўқувчилар бирбиридан кўчириш эҳтимоли ҳам йўқ эмас эди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда бу йил вариантлар ўрнига билетлар тайёрланди.

Билетлар сони 30 та бўлиб, уларга алгебра ва анализ асослари ҳамда геометриядан топшириқлар киритилган. Ҳар бир билетда алгебра ва анализ асосларидан битта назарий савол ва иккита амалий (масала, мисол), геометриядан битта назарий савол ва битта амалий (масала) топшириқ берилган бўлиб, жаъми бешта топшириқ мавжуд. Имтиҳонга 4 соат вақт ажратилади. Унинг бошланишида ўқувчи билетлардан бирини танлаб олиб, индивидуал ҳолда ёзма равишда жавоб тайёрлайди. Имтиҳон якунида ўқувчиларнинг ишларига алгебра ва анализ асосларидан алоҳида ҳамда геометриядан алоҳида баҳо қўйилади.

Маълумки, кейинги йилларда кўпгина янги турдаги мактаблар, лицейлар ва гимназиялар ҳамда айрим фанлар чуқур ўрганиладиган синфлар очилди ва фаолият кўрсатмоқда. Бундай таълим муассасаларида математика фанининг ўқитилиши ҳам бир хил эмас. Шунга кўра ҳар бир тумандаги метод бирлашмалар уларнинг шароити ва хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ўқувчилар билимини баҳолаш мезонини ишлаб чиқишлари керак бўлади. Бунда билет саволининг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда уни тўлдирувчи баъзи бир ўзгартиришлар киритишга рухсат берилади.

Р. БАБЕКОВА,
Республика таълим илмий-методика маркази мутахассиси.

(Боши газетамизнинг ўтган сонида)

МАТЕМАТИКА

Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртларига кирувчилар учун тест саволлари

I

1. Қуйидаги мулоҳазалардан қайси бири нотўғри?
   A) *Рақамлари йиғиндиси 9 га бўлинган сон 9 га бўлинади.*
   B) *Рақамлари йиғиндиси 3 га бўлинган сон 3 га бўлинади.*
   C) *Охирги рақами 4 га бўлинган сон 4 га бўлинади.*
   D) *Охирги рақами 0 ёки 5 бўлган сон 5 га бўлинади.*
   E) *Охирги рақами 2 га бўлинган сон 2 га бўлинади.*

2. $1,81\cdot10^{-5}$ қуйидаги сонлардан қайси бирига тенг эмас?
   A) $\frac{0,0181}{10^3}$ B) $\frac{18100}{10^9}$ C) $0,0000181$ D) $\frac{0,00000181}{10^{-2}}$ E) $0,000181\cdot10^{-1}$

3. Цемент ва қумдан иборат 27 кг қоришманинг 50% и цемент. Цемент миқдори 30% ни ташкил қилиши учун шу қоришмага яна қанча қум қўшиш керак?
   A) *24 кг* B) *18 кг* C) *20 кг* D) *22 кг* E) *16 кг*

4. $|x+1|+|x-3|=8$ тенглама ҳақидаги қуйидаги мулоҳазалардан қайси бири тўғри?
   A) *Фақат битта илдизи бор.*
   B) *Илдизлари турли ишорали.*
   C) *Илдизи йўқ.*
   D) *Ҳар иккала илдизи манфий.*
   E) *Ҳар иккала илдизи мусбат.*

5. 900 нинг бўлувчилари нечта?
   A) *14* B) *12* C) *27* D) *8* E) *26*

6. 180 ни 3: 2: 5 каби нисбатда бўлинг.
   A) *54; 36; 90* B) *54; 90; 36* C) *90; 36; 54* D) *36; 54; 90* E) *36; 90; 54*

7. $9-ax=0$ тенгламанинг илдизлари бутун сон бўладиган a нинг барча бутун қийматларини топинг.
   A) *±1; ±3; 9* B) *±1; ±3; ±9* C) *1; 9* D) *-3; 9* E) *±3; ±9*

8. Аргументнинг қандай қийматида $f(x)=3x-4$ функциянинг қиймати 5 га тенг бўлади?
   A) *9* B) *4* C) *5* D) *6* E) *3*

9. Ҳисобланг: $\sqrt{\frac{67^3+52^3}{119}-67\cdot52}$.
   A) *30* B) *15* C) *20* D) *25* E) *10*

10. Қўшни бурчаклардан бири иккинчисидан 8 марта катта. Шу қўшни бурчакларни топинг.
    A) 30°, 150° B) 20°, 160° C) 60°, 120° D) 40°, 140° E) 45°, 135°

11. Томонлари 6, 8 ва 10 м бўлган учбурчакка ташқи чизилган айлананинг радиуси неча м?
    A) *7* B) *4,5* C) *5* D) *6* E) *4*

12. $\frac{7}{x(x-5)}$ касрдаги ўзгарувчининг қабул қиладиган қийматларини топинг.
    A) $(-\infty; 0]\cup[5; \infty)$
    B) $(-\infty; 0)\cup(0; 5)\cup(5; \infty)$
    C) $[0; 5)$
    D) $(0; 5]$
    E) $[0; 5]$

II

13. $\sqrt{x-1}+\sqrt{x+5}$ ифода ўзгарувчининг қандай қийматларида маънога эга?
    A) *[-5; ∞)* B) *[1; ∞)* C) *(-5; ∞)* D) *[-5; -1]* E) *(1; ∞)*

14. $x^2\sqrt{x}-25\sqrt{x}=0$ тенгламани ечинг.
    A) *ечимга эга эмас* B) *0; 5* C) *0; -5; 5* D) *0; -5* E) *0*

15. $\begin{cases} x\ge-1 \\ 3,1-2x\ge-3 \end{cases}$ системанинг натурал ечимларини кўрсатинг.
    A) *-1; 0; 1; 2; 3* B) *-1; 0* C) *Системанинг натурал ечимлари йўқ.* D) *1; 2; 3* E) *2; 3*

16. Тўғри тўртбурчакнинг периметри 12 см. Агар унинг томонлари 1:2 нисбатда бўлса, тўғри тўртбурчакнинг томонларини топинг.
    A) *2,5 см; 3,5 см* B) *3 см; 3 см* C) *1 см; 5 см* D) *2 см; 4 см* E) *1,5 см; 4,5 см*

17. Квадратнинг томони $3\sqrt{2}$ га тенг. Квадратга ташқи чизилган айлана узунлигини топинг.
    A) 6π B) $4\sqrt{2}\pi$ C) 2π D) $5\pi^2$ E) 4π

18. $|x^2-9|=b$ тенглама b нинг қандай қийматида учта илдизга эга бўлади?
    A) *-3* B) *3* C) *1* D) *0* E) *9*

19. $\overline{a}$ (-3; 2) ва $\overline{b}$ (4; n) векторлар берилган. n нинг қандай қийматида бу векторлар ўзаро перпендикуляр бўлади?
    A) *3* B) *2* C) *6* D) *1* E) *0*

20. $y=x^2+4x+5$ парабола учининг координаталарини топинг.
    A) *(1; 2)* B) *(-2; 1)* C) *(0; 1)* D) *(-2; 2)* E) *(-1; 1)*

21. $x\cdot\sin^2(-45^\circ)-\left(\frac{7}{3}\right)^{\cos90^\circ}=\cos270^\circ$ тенгламани ечинг.
    A) $\frac{14}{3}$ B) *1* C) *-2* D) *3* E) *2*

22. 0,(13) чексиз даврий ўнли касрни оддий касрга айлантиринг.
    A) $\frac{1}{3}$ B) $\frac{13}{99}$ C) $\frac{131}{1000}$ D) $\frac{1313}{10000}$ E) $\frac{13}{100}$

23. $2^{\sqrt{2}}$, $2^{\frac{4}{\sqrt{4}}}$, $2^{\frac{3}{\sqrt{3}}}$, $2^{\sqrt{5}}$ сонларни ўсиш тартибида ёзинг.
    A) $2^{\sqrt{5}}$, $2^{\sqrt{2}}$, $2^{\frac{3}{\sqrt{3}}}$, $2^{\frac{4}{\sqrt{4}}}$
    B) $2^{\sqrt{2}}$, $2^{\frac{3}{\sqrt{3}}}$, $2^{\frac{4}{\sqrt{4}}}$, $2^{\sqrt{5}}$
    C) $2^{\sqrt{5}}$, $2^{\frac{3}{\sqrt{3}}}$, $2^{\frac{4}{\sqrt{4}}}$, $2^{\sqrt{2}}$
    D) $2^{\frac{3}{\sqrt{3}}}$, $2^{\sqrt{2}}$, $2^{\sqrt{5}}$, $2^{\frac{4}{\sqrt{4}}}$
    E) $2^{\sqrt{2}}$, $2^{\sqrt{5}}$, $2^{\frac{3}{\sqrt{3}}}$, $2^{\frac{4}{\sqrt{4}}}$

24. $\cos(\alpha+\beta)=a$ ва $2\sin\alpha\cdot\sin\beta=b$ бўлса, $\cos(\alpha-\beta)$ ни a ва b орқали ифодаланг.
    A) $\frac{b-a}{2}$ B) $b-a$ C) $a-b$ D) $\frac{a+b}{2}$ E) $a+b$

III

25. Мунтазам олтибурчакка ташқи чизилган айлананинг радиуси $\sqrt{3}$ см. Унга ички чизилган айлананинг радиуси неча см?
    A) *1,5* B) $\sqrt{2}$ C) $\sqrt{1,5}$ D) $\sqrt{1,6}$ E) $\sqrt{3}$

26. Томонлари 2; 3 ва 4 см бўлган учбурчакнинг 4 см ли томонига туширилган медианаси неча см?
    A) *1,5* B) *2* C) $\sqrt{\frac{7}{2}}$ D) *3* E) $\sqrt{\frac{5}{2}}$

27. α қавариқ саккизбурчакнинг ички бурчаклари йиғиндиси бўлса, $\cos\alpha$ нинг қийматини топинг.
    A) *-1* B) $-\frac{\sqrt{3}}{2}$ C) *0* D) *1* E) $\frac{\sqrt{3}}{2}$

28. Агар сектор ёйининг радиан ўлчови $\frac{\pi}{5}$, радиуси эса 20 см бўлса, унинг юзини ҳисобланг.
    A) $\frac{4\pi}{5}$ см^2 B) 40π см^2 C) 400π см^2 D) 4π см^2 E) $\frac{4\pi^2}{9}$ см^2

29. Ушбу $f(x)=\frac{1}{x-1}$, $g(x)=\{x\}$, $\gamma(x)=\sqrt{x}$, $a(x)=\sin\sqrt{x-1}$ функцияларнинг қайси бири даврийдир?
    A) $g(x)$ B) $\gamma(x)$ C) *Бу функцияларнинг ичида даврийлари йўқ* D) $f(x)$ E) $a(x)$

30. $\frac{\cos x}{1-\sin x}=0$ тенгламани ечинг.
    A) $2\pi k$, $k\in Z$ B) $-\frac{\pi}{2}+2\pi k$, $k\in Z$ C) $\frac{\pi}{2}+2\pi k$, $k\in Z$ D) $-\frac{\pi}{2}+\pi k$, $k\in Z$ E) $\frac{\pi}{2}+\pi k$, $k\in Z$

31. Қуйидаги функциялардан қайси бирининг ҳосиласи нотўғри топилган?
    A) $(\sqrt[3]{x})'=\frac{1}{3\sqrt[3]{x^2}}$
    B) $(\cos x)'=-\sin x$
    C) $(x^2)'=2x$
    D) $(\operatorname{ctg}x)'=\frac{1}{\cos^2 x}$
    E) $(3^x)'=3^x\ln3$

32. $y=\frac{5}{x^2+2x+5}$ функциянинг энг катта қийматини топинг.
    A) *8* B) *10* C) $\frac{5}{4}$ D) *1* E) *5*

33. $f(x)=\frac{7}{4-5x}$ функциянинг бошланғич функцияси топилсин.
    A) $-\frac{7}{5}\ln|4-5x|+c$ B) $-\frac{7}{5}\ln(4-5x)+c$ C) $\frac{7}{5}\ln(4-5x)+c$ D) $\ln|4-5x|+c$ E) $\frac{7}{5}\ln|4-5x|+c$

34. $\log_7 12=a$ ва $\log_7 18=b$ бўлса, $\log_7 2$ ни a ва b орқали ифодаланг.
    A) $\frac{b-a}{2}$ B) $\frac{3b-a}{4}$ C) $\frac{2a-b}{3}$ D) $\frac{3a-2b}{4}$ E) $\frac{2b-a}{5}$

IV

35. x нинг $\left(\frac{1}{5}\right)^{-\frac{2x}{3}}>25$ тенгсизликни қаноатлантирувчи энг кичик бутун қийматини топинг.
    A) *-2* B) *3* C) *8* D) *4* E) *2*

36. Агар $f(\log_2 x)=\sqrt{x}$ бўлса, $f(-1)$ нимага тенг?
    A) *1* B) *2* C) $\frac{1}{\sqrt{2}}$ D) $\sqrt{2}$ E) *функция аниқланмаган.*

37. $\log_2(\sqrt{3}+1)+\log_2(\sqrt{6}-2)=a$ экани маълум бўлса, $\log_2(\sqrt{3}-1)+\log_2(\sqrt{6}+2)$ йиғиндини топинг.
    A) *4-a* B) *3-a* C) $\sqrt{2}-a$ D) *2-a* E) $\sqrt{3}-a$

38. В нуқта томонлари $\sqrt{6}$ см бўлган квадратнинг учларидан бир хил масофада жойлашган ва бу нуқта билан квадрат текислиги орасидаги масофа 1 см га тенг. В нуқтадан квадратнинг учларигача бўлган масофани топинг.
    A) *3* B) *1* C) $\sqrt{2}$ D) *6* E) *2*

39. Ўқ кесими квадрат бўлган цилиндрнинг ён сирти 16π м^2. Цилиндр асосининг радиуси неча м?
    A) *6* B) *3* C) *4* D) *5* E) *2*

40. Учбурчакли мунтазам пирамиданинг ҳажмини ҳисоблаш учун қайси ҳолда берилганлар етарли эмас?
    A) *Асосининг баландлиги, учидаги текис бурчаги.*
    B) *Асосининг томони ва баландлиги.*
    C) *Асосининг томони, ён қирраси.*
    D) *Асосининг баландлиги, ён қирраси.*
    E) *Пирамиданинг баландлиги, асосининг томони.*

41. $\cos157^\circ30'$ нинг қийматини топинг.
    A) $\frac{\sqrt{3}}{4}$ B) $\frac{\sqrt{2+\sqrt{2}}}{2}$ C) $-\frac{\sqrt{2}}{4}$ D) $-\frac{\sqrt{2+\sqrt{2}}}{2}$ E) $\frac{\sqrt{2}}{4}$

42. Ҳисобланг:
    $\log_3 27\cdot\log_2 16\cdot\operatorname{arctg}(-1)\cdot\log_5 1$
    A) *-12* B) *-4π* C) *4π* D) *12* E) *0*

43. Агар квадратнинг томони $\log_3\sqrt{3}+\log_2\sqrt{2}+\log_{\sin\frac{\pi}{4}}\cos\frac{\pi}{4}$ бўлса, унинг юзини топинг.
    A) *4* B) *25* C) *16* D) *3* E) *9*

44. $y=0,3-2x$ функцияга тескари функцияни топинг.
    A) $y=-x+2,3$ B) $y=\frac{1}{2}x+0,3$ C) $y=\frac{1}{2}x-0,3$ D) $y=-\frac{x}{2}-0,15$ E) $y=-\frac{1}{2}x+\frac{3}{20}$

45. $\sqrt[3]{20+14\sqrt{2}}+\sqrt[3]{20-14\sqrt{2}}$ йиғиндини ҳисобланг.
    A) *3* B) *4* C) *6* D) *5* E) *2*

V

46. $f(x)=\cos(\sin x)$ функциянинг қийматлари соҳасини кўрсатинг.
    A) *[cos1; 1]* B) *(0; 1)* C) *[-1; 1]* D) *[0; ∞]* E) *(-∞; ∞)*

47. $x^2+(a+1)x+a=0$ тенгламанинг илдизлари a нинг қандай қийматларида турлича ва бир хил ишорали бўлади?
    A) $a\in(0; 1)\cup(1; \infty)$ B) $a\in(1; \infty)$ C) $a\ne1$ D) $a\ne0$ E) $a\in(0; \infty)$

48. Томонлари арифметик прогрессия ташкил этувчи тўғри бурчакли учбурчакнинг кичик ўткир бурчагини топинг.
    A) 35° B) 30° C) 40° D) *arctg1,5* E) *arctg0,75*

49. Қуйидаги мулоҳазалардан қайси бири нотўғри?
    A) *Охирги иккита рақами 0 бўлган сон 25 га бўлинади.*
    B) *Рақамлари йиғиндиси 3 га бўлинган сон 3 га бўлинади.*
    C) *Охирги иккита рақами 0 бўлган сон 5 га бўлинади.*
    D) *Рақамлари йиғиндиси 3 га бўлинган сон 9 га бўлинади.*
    E) *Охирги рақами 2 га бўлинган сон 2 га бўлинади.*

50. $2,071\cdot10^{-4}$ қуйидаги сонлардан қайси бирига тенг эмас?
    A) $\frac{2,071}{10^4}$ B) $\frac{2071}{10^7}$ C) $\frac{0,00002071}{10^{-2}}$ D) $\frac{207,1}{10^6}$ E) $0,0002071$

51. Цемент ва қумдан иборат 32 кг қоришманинг 35% қисмини цемент ташкил қилади. Цемент миқдори 28% бўлиши учун шу қоришмага яна қанча қум қўшиш керак?
    A) *6 кг* B) *7 кг* C) *4 кг* D) *5 кг* E) *8 кг*

52. $|x-3|+|x+4|=5$ тенглама ҳақидаги қуйидаги мулоҳазалардан қайси бири тўғри?
    A) *Фақат битта илдизи бор.*
    B) *Илдизлари турли ишорали.*
    C) *Илдизи йўқ.*
    D) *Ҳар иккала илдизи манфий.*
    E) *Ҳар иккала илдизи мусбат.*

53. 360 нинг бўлувчилари нечта?
    A) *16* B) *24* C) *15* D) *25* E) *12*

54. 150 ни 3: 2: 5 каби нисбатда бўлинг.
    A) *45; 30; 75* B) *50; 20; 80* C) *10; 120; 20* D) *45; 35; 70* E) *45; 75; 30*

55. $6-ax=0$ тенгламанинг илдизлари бутун сон бўладиган a нинг барча бутун қийматларини топинг.
    A) *±1; ±2; ±3; ±6* B) *±3; ±6* C) *1; 6* D) *±1; ±3; ±6* E) *1; ±3; ±6*

56. Аргументнинг қайси қийматида $f(x)=5x-2$ функциянинг қиймати 10 га тенг бўлади?
    A) $\frac{11}{5}$ B) $\frac{12}{5}$ C) $\frac{9}{5}$ D) $\frac{14}{5}$ E) $\frac{17}{5}$

57. Ҳисобланг: $\sqrt{\frac{59^3-41^3}{18}+59\cdot41}$.
    A) *200* B) *50* C) *100* D) *150* E) *18*

VI

58. Қўшни бурчаклардан бири иккинчисидан 4 марта катта. Шу бурчакларни топинг.
    A) 32°, 128° B) 30°, 120° C) 40°, 160° D) 36°, 144° E) 20°, 80°

59. Томонлари 3; 4 ва 5 м бўлган учбурчакка ташқи чизилган айлананинг радиуси неча м?
    A) *3,5* B) *2,3* C) *2,5* D) *3* E) *2*

60. $\frac{6}{x(x-2)}$ касрдаги ўзгарувчининг қабул қиладиган қийматларини топинг.
    A) $(-\infty; 0)\cup(0; 2)$
    B) $(-\infty; 0)\cup(0; 2)\cup(2; \infty)$
    C) $[0; 2]$ D) $[0; 2)$ E) $(0; 2]$

61. $\sqrt{x-2}+\sqrt{x+4}$ ифода ўзгарувчининг қандай қийматларида маънога эга.
    A) *(2; ∞)* B) *[-4; -2]* C) *[-4; ∞)* D) *[2; ∞)* E) *(-4; ∞)*

62. $x^2\sqrt{x}-4\sqrt{x}=0$ тенгламани ечинг.
    A) *0; 2* B) *0; -2* C) *ечимга эга эмас* D) *-2; 2* E) *0; -2; 2*

63. $\begin{cases} x\ge-2 \\ 2,1-x\ge-2 \end{cases}$ системанинг натурал ечимларини кўрсатинг.
    A) *0; 1; 2; 3*
    B) *1; 3; 4; 5*
    C) *1; 2*
    D) *1; 2; 3; 4*
    E) *2; 3; 4*

64. Тўғри тўртбурчакнинг периметри 24 см. Агар унинг томонлари 1:3 нисбатда бўлса, тўғри тўртбурчакнинг томонларини топинг.
    A) *7 см; 5 см* B) *3 см; 9 см* C) *4 см; 8 см* D) *6 см; 6 см* E) *1 см; 11 см*

65. Квадратга ички чизилган айлана радиуси 4 см бўлса, шу квадрат юзини топинг.
    A) *32 см^2* B) *62 см^2* C) *12 см^2* D) *64 см^2* E) *16 см^2*

66. $|x^2-3|=m$ тенглама m нинг қандай қийматларида учта илдизга эга бўлади?
    A) *9* B) $-\sqrt{3}$ C) *3* D) *-3* E) $\sqrt{3}$

67. $\overline{a}$ (-2; 4) ва $\overline{b}$ (6; n) векторлар берилган. n нинг қандай қийматида бу векторлар ўзаро перпендикуляр бўлади?
    A) *1* B) *-3* C) *3* D) *2* E) *0*

68. $y=x^2+2x+3$ парабола учининг координаталарини топинг.
    A) *(1; 2)* B) *(1; -2)* C) *(-1; 2)* D) *(2; 3)* E) *(-1; -2)*

69. $x\cdot\cos^2 45^\circ-\left(\frac{21}{23}\right)^{\cos90^\circ}=\sin180^\circ$ тенгламани ечинг.
    A) $\frac{21}{23}$ B) *-2* C) *2* D) *3* E) *1*

70. 0,(17) чексиз даврий ўнли касрни оддий касрга айлантиринг.
    A) $\frac{17}{99}$ B) $\frac{171}{1000}$ C) $\frac{1717}{10000}$ D) $\frac{17}{999}$ E) $\frac{17}{100}$

VII

71. $3^{\sqrt{2}}$, $3^{\frac{4}{\sqrt{4}}}$, $3^{\sqrt{5}}$, $3^{\frac{3}{\sqrt{3}}}$ сонларни ўсиш тартибида ёзинг.
    A) $3^{\sqrt{5}}$, $3^{\frac{4}{\sqrt{4}}}$, $3^{\frac{3}{\sqrt{3}}}$, $3^{\sqrt{2}}$
    B) $3^{\sqrt{2}}$, $3^{\frac{3}{\sqrt{3}}}$, $3^{\frac{4}{\sqrt{4}}}$, $3^{\sqrt{5}}$
    C) $3^{\sqrt{5}}$, $3^{\sqrt{2}}$, $3^{\frac{3}{\sqrt{3}}}$, $3^{\frac{4}{\sqrt{4}}}$
    D) $3^{\sqrt{2}}$, $3^{\sqrt{5}}$, $3^{\frac{3}{\sqrt{3}}}$, $3^{\frac{4}{\sqrt{4}}}$
    E) $3^{\sqrt{5}}$, $3^{\frac{3}{\sqrt{3}}}$, $3^{\frac{4}{\sqrt{4}}}$, $3^{\sqrt{2}}$

72. $\sin(\alpha+\beta)=a$ ва $\cos\alpha\cdot\cos\beta=b$ бўлса, $\operatorname{tg}\alpha+\operatorname{tg}\beta$ ни a ва b орқали ифодаланг.
    A) $\frac{a-b}{a+b}$ B) $a-b$ C) $\frac{a}{b}$ D) ab E) $a+b$

73. Мунтазам олтибурчакка ички чизилган айлананинг радиуси 1,5 см бўлса, унга ташқи чизилган айлананинг радиуси неча см?
    A) *1,7* B) $\sqrt{2}$ C) $\sqrt{3}$ D) *1,6* E) *2*

74. Томонлари 3; 5 ва 6 см бўлган учбурчакнинг 6 см ли томонига туширилган медианаси неча см?
    A) *4* B) $\sqrt{6}$ C) *3* D) *2* E) $\sqrt{8}$

75. α қавариқ тўққизбурчакнинг ички бурчаклари йиғиндиси бўлса, $\cos\alpha$ нинг қийматини топинг.
    A) *-1* B) $-\frac{\sqrt{3}}{2}$ C) *0* D) *1* E) $\frac{\sqrt{3}}{2}$

76. Агар сектор ёйининг радиан ўлчови $\frac{\pi}{6}$, радиуси эса 15 см бўлса, унинг юзини ҳисобланг.
    A) $\frac{225}{14}\pi$ см^2 B) $\frac{225}{9}\pi$ см^2 C) $\frac{225}{10}\pi$ см^2 D) $\frac{75\pi}{4}$ см^2 E) $\frac{225}{8}\pi$ см^2

77. Ушбу $f(x)=\frac{1}{x^2+1}$, $g(x)=\{x\}$, $\gamma(x)=\sqrt[3]{x}$, $a(x)=\operatorname{tg}\sqrt{x}$ функцияларнинг қайси бири даврийдир?
    A) $a(x)$ B) $\gamma(x)$ C) $g(x)$ D) $f(x)$ E) *Бу функциялар ичида даврийлари йўқ*

78. $\frac{\sin x}{1-\cos x}=0$ тенгламани ечинг.
    A) $2\pi k$, $k\in Z$ B) πk, $k\in Z$ C) $\pi+2\pi k$, $k\in Z$ D) $-\frac{\pi}{2}+2\pi k$, $k\in Z$ E) $\frac{\pi}{2}+\pi k$, $k\in Z$

79. Қуйидаги функциялардан қайси бирининг ҳосиласи нотўғри топилган?
    A) $(\sqrt{x})'=\frac{1}{2\sqrt{x}}$
    B) $(\sin x)'=\cos x$
    C) $(\operatorname{tg}x)'=-\frac{1}{\sin^2 x}$
    D) $(x^3)'=3x^2$
    E) $(2^x)'=2^x\ln2$

80. $f(x)=\frac{3}{x^2+2x+3}$ функциянинг энг катта қийматини топинг.
    A) *1,2* B) *2* C) *1,5* D) *1* E) *3*

VIII

81. $f(x)=\frac{8}{5-4x}$ функциянинг бошланғич функцияси топилсин.
    A) $-2\ln|5-4x|+c$
    B) $\frac{1}{2}\ln|5-4x|+c$
    C) $-\frac{8}{5}\ln|5-4x|+c$
    D) $-\frac{1}{2}\ln|5-4x|+c$
    E) $\frac{8}{5}\ln|5-4x|+c$

82. $\log_3 20=a$ ва $\log_3 50=b$ бўлса, $\log_3 5$ ни a ва b орқали ифодаланг.
    A) $\frac{2b-a}{3}$ B) $\frac{2a-b}{3}$ C) $\frac{3a-2b}{4}$ D) $\frac{2a-3b}{3}$ E) $\frac{b-a}{2}$

83. x нинг $3^{\frac{x}{2}}<9$ тенгсизликни қаноатлантирувчи,энг катта бутун қийматини топинг.
    A) *0* B) *3* C) *4* D) *9* E) *2*

84. Агар $f(\log_2 x)=\sqrt[3]{x}$ бўлса, $f(-1)$ ҳисоблансин.
    A) *-1* B) *1* C) *2* D) $\frac{1}{\sqrt[3]{2}}$ E) $\sqrt[3]{2}$

85. $\log_3(\sqrt{2}+1)+\log_3(\sqrt{12}-3)=k$ бўлса, $\log_3(\sqrt{2}-1)+\log_3(\sqrt{12}+3)$ йиғиндини ҳисобланг.
    A) $2-\frac{k}{2}$ B) $2-k$ C) $3-\frac{k}{2}$ D) $1-k$ E) $1-\frac{k}{2}$

86. М нуқта томонлари $\sqrt{6}$ бўлган квадратнинг барча учларидан 2 см масофага узоқлашган. М нуқтадан квадрат текислигигача бўлган масофа нечага тенг?
    A) *2* B) *1* C) $\sqrt{3}$ D) $\sqrt{6}$ E) $\sqrt{2}$

87. Баландлиги асосининг диаметрига тенг бўлган цилиндрнинг ён сирти 16π м^2. Цилиндрнинг баландлиги неча м?
    A) *6* B) *3* C) *4* D) *5* E) *2*

88. Учбурчакли, мунтазам пирамиданинг ён сиртини ҳисоблаш учун қайси ҳолда берилганлар етарли эмас?
    A) *Асоси ичига чизилган айлананинг радиуси, асосининг баландлиги.*
    B) *Асосининг баландлиги, апофемаси.*
    C) *Ён қирраси, апофемаси.*
    D) *Ён қирраси, асосининг баландлиги.*
    E) *Асосининг томони, апофемаси.*

89. $\sin75^\circ\cos15^\circ$ ни ҳисобланг.
    A) $\frac{\sqrt{3}+2}{4}$ B) $\frac{\sqrt{3}-2}{4}$ C) $\frac{\sqrt{3}+2}{2}$ D) $\frac{2-\sqrt{3}}{2}$ E) $\frac{2-\sqrt{3}}{4}$

90. Ҳисобланг:
    $\log_3 81\cdot\log_2 8\cdot\arcsin1\cdot\log_2 1$.
    A) -6π B) *0* C) -12π D) 6π E) 12π

91. Агар квадратнинг томони $\log_2\sqrt{2}+\log_3\sqrt{3}+\log_{\sin\frac{\pi}{6}}\frac{1}{2}$ бўлса, унинг юзини топинг.
    A) *3* B) *16* C) *4* D) *25* E) *9*

IX

92. $y=0,7-3x$ функцияга тескари функцияни топинг.
    A) $y=-\frac{1}{3}x+\frac{7}{30}$ B) $y=\frac{1}{3}x-0,7$ C) $y=\frac{1}{3}x+0,7$ D) $y=-\frac{1}{3}-0,7$ E) $y=-\frac{1}{3}x+0,7$

93. $\sqrt[3]{54+30\sqrt{3}}+\sqrt[3]{54-30\sqrt{3}}$ йиғиндини ҳисобланг.
    A) *7* B) *4* C) *5* D) *3* E) *6*

94. $f(x)=\sin(\cos x)$ функциянинг қийматлари соҳасини топинг.
    A) *[cos1; 1]* B) *[0; 1]* C) *[-1; 1]* D) *(0; 1)* E) *[-sin1; sin1]*

95. b нинг қандай қийматларида $x^2+2\sqrt{2}x+b^2-3b+2=0$ тенгламанинг илдизлари турлича ва бир хил ишорали бўлади?
    A) $b\in(1; 2)$
    B) $b\in(-\infty; 1)\cup(2; \infty)$
    C) $b\in(-\infty; 0)\cup(3; \infty)$
    D) $b\in(0; 3)$
    E) $b\in(0; 1)\cup(2;3)$

96. Томонлари геометрик прогрессия ташкил этадиган тўғри бурчакли учбурчакнинг катта ўткир бурчагини топинг.
    A) 40° B) 35° C) $\arcsin\frac{\sqrt{3}+1}{3}$ D) $\arccos\frac{\sqrt{3}+1}{3}$ E) $\arccos\frac{\sqrt{5}-1}{2}$

97. $\frac{n^2+8}{n}$ ифода натурал сон бўладиган n($n\in N$) нинг барча қийматларини топинг.
    A) *3; 5* B) *1; 2; 4; 8* C) *1; 13* D) *1; 2; 16* E) *2; 4*

98. Ҳақиқий сонларни қўшиш ва кўпайтиришда қуйидаги хоссаларнинг қайси бири қўшишнинг группалаш хоссасидир?
    A) $a+b=b+a$ B) $a(b+c)=ab+ac$ C) $ab=ba$ D) $(ab)c=a(bc)$ E) $(a+b)+c=a+(b+c)$

99. Бўлиниш аломатларига оид ушбу маълумотларнинг қайси бири нотўғри?
    A) *Натурал соннинг охирги рақами 2 га бўлинса, унинг ўзи ҳам 2 га бўлинади.*
    B) *Натурал соннинг охирги рақами 0 ёки 5 бўлсагина, у 5 га бўлинади.*
    C) *Натурал соннинг охирги рақами 0 бўлсагина, у 10 га бўлинади.*
    D) *Натурал соннинг охирги рақами 4 га бўлинса, унинг ўзи ҳам 4 га бўлинади.*
    E) *Натурал соннинг рақамлар йиғиндиси 3 га бўлинган-дагина, унинг ўзи 3 га бўлинади.*

100. Қуйидаги касрларнинг қайсилари ўзаро тенг?
     $\alpha=\frac{-a}{b}$; $\beta=\frac{(-1)^{41}a}{-b}$; $\gamma=-\frac{a}{b}-1$; $\lambda=-\frac{a}{-b}$
     A) α ва λ B) β ва λ C) γ ва λ D) α ва γ E) α ва β

101. $a=0,8009$; $b=0,00082\cdot10^3$ ва $c=80,091\cdot10^{-2}$ сонларни ўсиш тартибида жойлаштиринг.
     A) $b<a<c$ B) $a<c<b$ C) $a<b<c$ D) $c<a<b$ E) $b<c<a$

Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртларига кирувчилар учун тест саволлари

МАТЕМАТИКА

X

102. Агар тўғри тўртбурчакнинг асоси 20% катталаштириб, баландлиги эса 20% кичиклаштириб олинса, унинг юзи қандай ўзгаради?
A) *20% га катталашади*
B) *4% га кичиклашади*
C) *20% кичиклашади*
D) *4% катталашади*
E) *ўзгармайди*

103. *a*-14 дан 18+*a* ни айиринг ва уни соддалаштиринг:
A) *-32* B) *32* C) *4*
D) *2a+4* E) *2a-4*

104. Турист 3 соат пиёда, 3 соат автобусда юрди. Ҳаммаси бўлиб 195 км йўлни босиб ўтди. Турист пиёда автобусдагидан 55 км/соат кам тезлик билан юрган бўлса, у қандай тезлик билан пиёда юрган?
A) *3 км/соат* B) *6 км/соат*
C) *4,5 км/соат* D) *5 км/соат*
E) *4 км/соат*

105. 25; 40; 75 сонларнинг энг катта умумий бўлувчисини топинг.
A) *25* B) *5* C) *200*
D) *125* E) *75*

106. Ҳисобланг: $9^{\frac{1}{2}}\cdot(2^3-3^2):2^{-2}$.
A) $-\frac{3}{4}$ B) $-\frac{4}{3}$ C) *12*
D) *-12* E) $\frac{3}{4}$

107. Пропорция учун ушбу тасдиқларнинг қайси бири хато?
A) *Пропорциянинг четки ҳадлари кўпайтмаси унинг ўрта ҳадлари кўпайтмасига тенг.*
B) *Пропорцияда четки ҳадларнинг ўринларини алмаштириш мумкин.*
C) *Пропорцияда четки ҳадлар кўпайтмасининг квадрати ўрта ҳадлар кўпайтмасининг квадратига тенг.*
D) *Пропорцияда ўрта ҳадларнинг ўрнини алмаштириш мумкин.*
E) *Пропорцияда четки ҳадлар йиғиндиси ўрта ҳадлар йиғиндисига тенг.*

108. *a* нинг қайси қийматида $\frac{1,1x}{x+1}=1,1+\frac{a}{x+1}$ тенглик айният бўлади?
A) *1,1* B) *-1* C) *2*
D) *-1,1* E) *1*

109. $y=\frac{2x-6}{5}$ формула билан берилган функциянинг аниқланиш соҳасини топинг.
A) *(-∞; 3]* B) *(-∞; 3)*
C) *[3; ∞)* D) *(3; ∞)*
E) *(-∞; ∞)*

110. Даражага кўтаринг: $(-3ab^4c^2)^3$.
A) $27a^3b^{12}c^6$ B) $-27a^3b^{12}c^6$
C) $-27a^3b^7c^5$ D) $27a^3b^7c^5$
E) $-3a^3bc$

111. Ифодани стандарт кўпҳад шаклида ёзинг: $(2x^3+3y^2)(2x^3-3y^2)$.
A) $2x^6-3y^4$ B) $4x^3-9y^2$
C) $4x^9-9y^4$ D) $2x^9-3y^4$
E) $4x^6-9y^4$

XI

112. Касрни қисқартиринг: $\frac{a^4-b^4}{a^3b-ab^3}$.
A) $\frac{a^2+b^2}{ab}$ B) $\frac{a^2-b^2}{ab}$
C) $\frac{a^2}{a^2+b^2}$ D) $\frac{ab}{a^2+b^2}$
E) $\frac{b^2}{a^2+b^2}$

113. Қўшни бурчаклардан бири иккинчисидан уч марта катта бўлса, кичик бурчак қуйидаги бурчаклардан қайси бири бўлади?
A) 60° B) 45° C) 75°
D) 30° E) 40°

114. ABC тўғри бурчакли учбурчакда $\angle C=90^\circ$, $\angle A$ нинг градус ўлчови $\angle B$ нинг градус ўлчовидан 2 марта катта. Учбурчакнинг бурчакларини топинг.
A) 90°, 40°, 50°
B) 90°, 30°, 60°
C) 90°, 45°, 45°
D) 90°, 80°, 10°
E) 90°, 20°, 70°

115. *a* нинг қандай қийматида $y=ax^2$ функциянинг графиги $(-\sqrt{3}; 9)$ нуқтадан ўтади?
A) *3* B) *4* C) *-3*
D) $\sqrt{3}$ E) *0*

116. Тенгламани ечинг: $\sqrt{2+\sqrt{3+\sqrt{x}}}=2$.
A) *0* B) *1* C) *2*
D) *3* E) *5*

117. $2x^2+5x-3=0$ квадрат тенглама илдизларининг йиғиндисини топинг.
A) *5* B) *-5* C) *-2,5*
D) *1,5* E) *2,5*

118. Қуйидаги тенгликларнинг қайси бири тўғри?
A) $|-a|=-a;\ a>0$
B) $|3-a|=3-a;\ a\le 3$
C) $|2a|=2a;\ a<0$
D) $|a^2+b^2|=-(a^2+b^2);\ a<0,\ b<0$
E) $|ab|=-ab;\ a<0,\ b<0$

119. Айлананинг радиуси 5 га тенг бўлса, унга ички чизилган квадратнинг юзи топилсин.
A) *50* B) *45* C) *55*
D) *25* E) *35*

120. P ва Q нуқталар айланани градус ўлчовларининг айирмаси 80° га тенг иккита ёйга ажратади. Ҳар қайси ёйнинг градус ўлчовлари қанчага тенг?
A) 180°, 100° B) 220°, 140°
C) 210°, 150° D) 230°, 130°
E) 380°, 300°

121. Тўғри тўртбурчакнинг бўйи энидан 5 метрга катта. Шу тўғри тўртбурчакнинг юзи 36 $м^2$ дан катта бўлиши учун унинг эни қандай бўлиши керак?
A) *4 м дан катта*
B) *2 м дан катта*
C) *2,5м дан катта*
D) *3,5 м дан катта*
E) *3 м дан катта*

XII

122. $y=2x^2$ функцияга оид қуйидаги мулоҳазаларнинг қайси бири нотўғри?
A) *(0; ∞) оралиқда ўсади.*
B) *Функция жуфт*
C) *Аниқланиш соҳаси (0; ∞)*
D) *Функция қиймати (0; ∞) да ўзгаради.*
E) *(-∞; 0] оралиқда камаяди.*

123. Агар $\begin{cases}x^2+y^2=229\\ x-y=-3\end{cases}$ бўлса, *xy* ни топинг.
A) *-218* B) *-222* C) *10*
D) *110* E) *-110*

124. Арифметик прогрессияга оид қуйидаги формулаларнинг қайси бири нотўғри?
A) $a_{n+1}-a_n=d$
B) $a_n=a_1+d(n-1)$
C) $S_n=\frac{(a_1+a_n)n}{2}$
D) $S_{n+1}-S_n=a_1+d(n-1)$
E) $S_n=\frac{2a_1+(n-1)d}{2}\cdot n$

125. Рационал кўрсаткичли даража шаклида тасвирланг:
$b^{\frac{1}{2}}\cdot b^{\frac{1}{3}}\cdot\sqrt[6]{b}$.
A) $b^{\frac{3}{11}}$ B) $b^{\frac{1}{36}}$ C) *b*
D) $b^{\frac{1}{2}}$ E) b^2

126. Қуйидаги тенгликларнинг қайси бири нотўғри?
A) $\sin(\frac{3\pi}{2}-\alpha)=-\cos\alpha$
B) $\cos(\frac{3\pi}{2}+\alpha)=\sin\alpha$
C) $tg(2\pi-\alpha)=-tg\alpha$
D) $\cos(10\pi+\alpha)=\cos\alpha$
E) $ctg(\frac{3\pi}{2}-\alpha)=-tg\alpha$

127. ABC учбурчакда AB=3 см, AC=4 см, $\angle BAC=60^\circ$. Учбурчакнинг BC томонини топинг.
A) $\sqrt{13}$ *см* B) *5 см*
C) $\sqrt{17}$ *см* D) $\sqrt{21}$ *см*
E) *4 см*

128. Агар айлананинг радиуси 4 см га орттирилса, унинг узунлиги қанчага ортади?
A) 12π *см* B) 6π *см* C) 4π *см*
D) 10π *см* E) 8π *см*

129. Расмда тасвирланган тенг ёнли трапециянинг юзини топинг. Томонлар см да ўлчанган.
A) $100\ см^2$
B) $120\ см^2$
C) $110\ см^2$
D) $130\ см^2$ E) $90\ см^2$



130. $tg\alpha+ctg\alpha=k$ эканлигини билган ҳолда, $\sin 2\alpha$ нинг қийматини топинг.
A) $\frac{1}{k}$ B) $\frac{2}{k}$ C) $\frac{3}{k}$
D) $\frac{4}{k}$ E) $\frac{5}{k}$

131. Ҳисобланг: $\cos(\arcsin\frac{1}{2})$.
A) $\frac{1}{2}$ B) $\frac{\sqrt{3}}{2}$ C) $\frac{1}{4}$
D) $\frac{\pi}{6}$ E) $\frac{\sqrt{3}}{4}$

XIII

132. $f(x)=x^{-2}$ бўлса, $f'(1)$ ни ҳисобланг.
A) *0* B) *-1* C) *-2* D) *1* E) *2*

133. Қуйидаги функцияларнинг қайси бири x нинг ҳамма қийматларида ўсувчи бўлади?
A) $f(x)=\sin x$ B) $f(x)=\frac{\ln x}{x}$
C) $f(x)=\frac{1}{x^2+1}$ D) $f(x)=x^2-\cos x$
E) $f(x)=x^{11}$

134. Қуйидаги 1. $y=-2x+1$ 2. $y=x+\frac{1}{2}$ 3. $y=-(\sin^2 1^\circ+\cos^2 1^\circ)x$ ва 4. $y=1994+x$ тўғри чизиқларнинг қайси бирлари ўзаро параллел?
A) *1 ва 3* B) *2 ва 1* C) *3 ва 4*
D) *2 ва 4* E) *1 ва 4*

135. Агар кубнинг қирраси $\frac{2}{3}$ га тенг бўлса, шу кубга ташқи чизилган шарнинг радиусини топинг.
A) *6* B) $\frac{4}{9}$ C) *2* D) $\frac{2}{\sqrt{3}}$ E) $\frac{\sqrt{3}}{3}$

136. F(2; 3; 4), G(2; 1; 0), K(3; 0; 2), L(0; 4; 5), M(0; 0; 3) нуқталардан қайси бири xy текисликда ётади?
A) *L* B) *M* C) *K* D) *G* E) *F*

137. $y=\cos^2 x$ функция учун бошланғич функция умумий кўринишда қандай ёзилади?
A) $x+\frac{1}{2}\sin 2x+c$
B) $\frac{\cos^3 x}{3}+c$
C) $\frac{x}{2}+\frac{1}{4}\sin 2x+c$
D) $-2\cos x\sin x+c$
E) $\frac{x}{2}+\frac{1}{4}\cos 2x+c$

138. $f(x)=(\lg x)^{tgx}+(tgx)^{\lg x-1}$ бўлса, $f(10)$ ни ҳисобланг.
A) *100* B) *0* C) *10* D) *1* E) *2*

139. Тенгсизликни ечинг:
$0,01<100^x\le\sqrt{10}$.
A) *(1; 4]* B) $(-2; \frac{1}{2}]$
C) $(-1; \frac{1}{4}]$ D) $(\frac{1}{4}; \frac{1}{2}]$
E) $[-\frac{1}{4}; -\frac{1}{2}]$

140. $e^{\log_3(\ln\sqrt[3]{e})}$ ифоданинг қийматини ҳисобланг.
A) *1* B) *0* C) *-1* D) $\frac{1}{e}$
E) *Қиймат аниқланмаган*

141. $4^{\cos x}=4$ тенгламани ечинг.
A) $\pi k,\ k\in Z$ B) $2\pi k,\ k\in Z$
C) $\frac{\pi}{2}k,\ k\in Z$ D) $\frac{3\pi}{2}k,\ k\in Z$
E) *Ечим мавжуд эмас*

142. Кубнинг қирраси $\sqrt{5}$ га тенг. Кубнинг диагонали нимага тенг?
A) $3\sqrt{5}$ B) $\sqrt{15}$
C) $5\sqrt{5}$ D) $2\sqrt{5}$
E) $\sqrt{5}$

143. k тўғри чизиқ учта ўзаро перпендикуляр чизиқлар билан мос равишда α, β, γ бурчакларни ташкил этади. $\cos^2\alpha+\cos^2\beta+\cos^2\gamma$ йиғинди нимага тенг?
A) *3* B) *2* C) *1* D) *0* E) *1,5*

144. Конус асосининг радиуси 3. Конуснинг ясовчиси ва баландлиги орасидаги бурчакнинг қандай қийматида конуснинг ҳажми π га тенг бўлади?
A) *arctg3* B) 60° C) *arctg9*
D) 45° E) 30°

XIV

145. $\frac{3n^2+12}{3n}$ ифода натурал сон бўладиган $n(n\in N)$ нинг барча қийматларини топинг.
A) *4* B) *2; 4* C) *1; 2; 4*
D) *1* E) *1; 4*

146. Ҳақиқий сонларни қўшиш ва кўпайтиришда қуйидаги хоссаларнинг қайси бири кўпайтиришнинг группалаш хоссасидир?
A) $ab=ba$ B) $(a+b)+c=a+(b+c)$
C) $a+b=b+a$ D) $a(b+c)=ab+ac$
E) $(ab)c=a(bc)$

147. Қуйидаги сонларнинг қайси бирлари 9 га бўлинади?
a=1993, b=1994, c=1908, d=111111111
A) *a ва d* B) *a*
C) *c; d* D) *b*
E) *ҳеч қайси бири бўлинмайди*

148. Қуйидаги ифодаларнинг қайси бири ўзаро тенг?
$\alpha=(-3)^{-1}$; $\beta=9^{-1/2}$;
$\gamma=(-1)^{-1}+\frac{2}{3}$; $\lambda=(-81)^{-1/3}$
A) α *ва* β B) α *ва* γ
C) λ *ва* α D) β *ва* γ
E) *Бу ифодалар ичида тенглари йўқ*

149. $a=0,7008$; $b=700,81\cdot10^{-3}$ ва $c=0,0072\cdot10^2$ сонларни камайиш тартибида жойлаштиринг.
A) $a>c>b$ B) $b>c>a$ C) $b>a>c$
D) $c>b>a$ E) $a>b>c$

150. Агар тўғри тўртбурчакнинг асоси 10% кичиклаштириб, баландлиги эса 10% катталаштириб олинса, унинг юзи қандай ўзгаради?
A) *10% га катталашади*
B) *10% га кичиклашади*
C) *ўзгармайди*
D) *1% кичиклашади*
E) *1% катталашади*

151. Қуйидаги икки ифоданинг йиғиндисини топинг ва уни соддалаштиринг:
a-20 ва -30-a
A) *2a-50* B) *-50* C) *10*
D) *-10* E) *2a-10*

152. Турист 4 соат пиёда, 2 соат автобусда юрди. Ҳаммаси бўлиб 108 км йўлни босиб ўтди. Турист пиёда автобусдагидан 10 марта кам тезлик билан юрган бўлса, у қандай тезлик билан пиёда юрган?
A) *5 км/соат* B) *5,5 км/соат*
C) *4,5 км/соат* D) *4 км/соат*
E) *3,5 км/соат*

153. 30; 12; 90 сонларнинг энг катта умумий бўлувчисини топинг.
A) *360* B) *6* C) *12*
D) *90* E) *270*

154. Ҳисобланг: $8^{\frac{1}{2}}\ 16^{-\frac{1}{4}\sqrt[3]{4}}$.
A) $\sqrt{3}$ B) *3* C) $\sqrt{2}$
D) $2\sqrt[6]{2}$ E) *4*

XV

155. Пропорция учун ушбу тасдиқларнинг қайси бири хато?
A) *Пропорцияда четки ҳадлар кўпайтмасининг квадрати ўрта ҳадлар кўпайтмасининг квадратига тенг.*
B) *Пропорцияда ўрта ҳадларнинг ўрнини алмаштириш мумкин.*
C) *Пропорцияда четки ҳадлар айирмаси ўрта ҳадлар айирмасига тенг.*
D) *Пропорцияда четки ҳадларнинг ўринларини алмаштириш мумкин.*
E) *Пропорциянинг четки ҳадлари кўпайтмаси унинг ўрта ҳадлари кўпайтмасига тенг.*

156. *a* нинг қайси қийматида $\frac{1,2x}{x-1}=1,2-\frac{a}{x-1}$ тенглик айният бўлади?
A) *-1,2* B) *-1* C) *1,2*
D) *2* E) *1*

157. $y=\frac{5x-2}{6}$ формула билан берилган функциянинг аниқланиш соҳасини топинг.
A) $[\frac{2}{5}; \infty)$ B) $(\frac{2}{5}; \infty)$
C) $(-\infty; \frac{2}{5}]$ D) $(-\infty; \frac{2}{5})$
E) *(-∞; ∞)*

158. Даражага кўтаринг: $(-5a^2b^3c)^4$.
A) $-625a^6b^7c^4$ B) $625a^6b^7c^4$
C) $625a^8b^{12}c^4$ D) $-625a^8b^{12}c^4$
E) $-5a^3b^3c^4$

159. Ифодани стандарт кўпҳад шаклида ёзинг: $(3x^5-4y^3)(3x^5+4y^3)$.
A) $9x^{25}-16y^9$ B) $9x^{25}+16y^9$
C) $9x^{10}-24x^5y^3+16y^6$ D) $3x^{10}-4y^6$
E) $9x^{10}-16y^6$

160. Касрни қисқартиринг: $\frac{y^3-x^3}{x^2-y^2}$.
A) $\frac{y-x}{y+x}$ B) $\frac{y^2+xy+x^2}{x-y}$
C) $\frac{y^2+xy+x^2}{x+y}$ D) $\frac{y^2-xy+x^2}{x+y}$
E) $-\frac{y^2+xy+x^2}{x+y}$

161. Қўшни бурчаклардан бири иккинчисидан беш марта катта бўлса, кичик бурчак қуйидагилардан қайси бири бўла олади?
A) 15° B) 40° C) 45°
D) 20° E) 30°

162. ABC тўғри бурчакли учбурчакда $\angle C=90^\circ$, $\angle A$ нинг градус ўлчови $\angle B$ нинг градус ўлчовидан 5 марта катта. Учбурчакнинг бурчакларини топинг.
A) 90°, 30°, 60°
B) 90°, 20°, 70°
C) 90°, 15°, 75°
D) 90°, 40°, 50°
E) 90°, 20°, 100°

163. *a* нинг қандай қийматида $y=ax^2$ функциянинг графиги $(\sqrt{3}; 3)$ нуқтадан ўтади?
A) *2* B) *9* C) *0* D) *3* E) *1*

164. Тенгламани ечинг: $\sqrt{2+\sqrt{5-\sqrt{x}}}=2$.
A) *1* B) *0* C) *2* D) *25* E) *5*

165. $2x^2+5x-3=0$ квадрат тенглама илдизларининг кўпайтмасини топинг
A) *3* B) *-3* C) $-\frac{3}{2}$
D) $\frac{3}{2}$ E) $\frac{5}{2}$

XVI

166. Қуйидаги тенгликларнинг қайси бири нотўғри?
A) $|a-b-c|=-|c+b-a|$
B) $|a+b|^2=(a+b)^2$
C) $|3a|=|3|\cdot|a|=3|a|$
D) $(-1)^{1994}+(-1)^{1995}=0$
E) $|\frac{a-b}{c-d}|=|\frac{b-a}{d-c}|,\ d\ne c$

167. Квадратнинг юзи 49 бўлса, унга ташқи чизилган айлананинг радиусини топинг.
A) $\frac{3}{2}\sqrt{2}$ B) $\frac{5}{2}\sqrt{2}$
C) $\frac{7}{2}\sqrt{2}$ D) $\frac{9}{2}\sqrt{2}$
E) $\frac{11}{2}\sqrt{2}$

168. P ва Q нуқталар айланани градус ўлчовларининг айирмаси 90° га тенг иккита ёйга ажратади. Ҳар қайси ёйнинг градус ўлчови қанчага тенг?
A) 100°, 190° B) 190°, 100°
C) 390°, 300° D) 225°, 135°
E) 220°, 140°

169. Томонлари a ва b бўлган тўғри тўртбурчак берилган бўлиб, $a=b+7$, $0<ab<60\ м^2$ бўлса, a нинг қиймати қайси оралиқда бўлади?
A) $6<a<13$ B) $7<a<12$
C) $8<a<11$ D) $9<a<10$
E) $5<a<14$

170. $y=2x^2$ функцияга оид қуйидаги мулоҳазаларнинг қайси бири тўғри?
A) *Функция графиги (2; 2) нуқтадан ўтади*
B) *Аниқланиш соҳаси (0; ∞)*
C) *Функция қийматлари (-∞; ∞) даги барча сонлар*
D) *Функция тоқ*
E) *Функция графиги парабола*

171. Агар $\begin{cases}x^2+y^2=131\\ x-y=11\end{cases}$ бўлса, *xy* ни топинг.
A) *-5* B) *10* C) *-10*
D) *5* E) *60*

172. Ушбу кетма-кетликларнинг қайси бирлари арифметик прогрессия бўлади?
1. -2; -1,5; -1; -0,5.
2. 6; 2; $\frac{2}{3}$; $\frac{2}{9}$.
3. 2; 2; 2.
4. 1; $\frac{1}{2}$; $\frac{1}{4}$.
A) *4* B) *1 ва 3* C) *2 ва 4*
D) *2* E) *1 ва 4*

173. Рационал кўрсаткичли даража шаклида тасвирланг:
$x^{1,7}\cdot x^{2,8}:\sqrt{x^5}$.
A) $x^{2,85}$ B) $x^{1,65}$ C) $x^{9,50}$
D) x^{-2} E) x^2

174. Қуйидаги тенгламаларнинг қайси бирида илдизлар нотўғри топилган?
A) $\cos x=1;\ x=n\pi,\ n\in Z$
B) $\sin x=1;\ x=\frac{\pi}{2}+2n\pi,\ n\in Z$
C) $\sin x=0;\ x=n\pi,\ n\in Z$
D) $\cos x=-1;\ x=\pi+2n\pi,\ n\in Z$
E) $ctgx=0;\ x=\frac{\pi}{2}+n\pi,\ n\in Z$

XVII

175. ABC учбурчакда AB=2 см, AC=3 см, $\angle BAC=60^\circ$. Учбурчакнинг BC томонини топинг.
A) *6 см* B) $\sqrt{7}$ *см* C) *5 см*
D) $\sqrt{13}$ *см* E) $\sqrt{17}$ *см*

176. Агар айлананинг радиуси 6 см орттирилса, унинг узунлиги қанчага ортади?
A) 6π *см* B) 8π *см* C) 12π *см*
D) 16π *см* E) 4π *см*

177. Расмда тасвирланган тенг ёнли трапециянинг юзини топинг.
A) $152\ см^2$
B) $140\ см^2$
C) $156\ см^2$
D) $160\ см^2$ E) $130\ см^2$



178. $\sin\alpha+\cos\alpha=2a$ эканлигини билган ҳолда, $\sin 2\alpha$ нинг қийматини топинг.
A) $2a^2+1$ B) $2a^2-1$ C) $4a^2+2$
D) $4a^2+1$ E) $4a^2-1$

179. Ҳисобланг: $\cos(\arcsin 1)$.
A) $\frac{\pi}{6}$ B) $\frac{\pi}{2}$ C) $\frac{1}{2}$ D) *1* E) *0*

180. $f(x)=x^{-1}$ бўлса, $f'(3)$ ни ҳисобланг.
A) $-\frac{1}{9}$ B) $\frac{1}{9}$ C) *1*
D) $-\frac{1}{3}$ E) $\frac{1}{3}$

181. Қуйидаги функцияларнинг қайси бири x нинг ҳамма қийматида камаювчи бўлади?
A) *cosx* B) $\frac{1}{x^2}$ C) 2^{-x}
D) *2x* E) *sinx*

182. Қуйидаги функциялардан қайси бирларининг графиги тўғри чизиқдан иборат?
1) $y=1-x^2$ 2) $y=\frac{3}{x}$ 3) $y=1-2x$
4) $y=(tg45^\circ)x$
A) *2* B) *1 ва 3*
C) *3 ва 4* D) *2 ва 4*
E) *1 ва 2*

183. Агар кубнинг қирраси $\frac{2}{5}$ га тенг бўлса, шу кубга ташқи чизилган шарнинг радиусини топинг.
A) $\frac{\sqrt{3}}{3}$ B) $\frac{\sqrt{3}}{4}$ C) $\frac{\sqrt{3}}{5}$
D) $\frac{\sqrt{3}}{2}$ E) $\frac{\sqrt{3}}{9}$

184. F(5; 2; 3), G(3; 1; 0), K(4; 0; 2), L(0; 3; 5), M(1; 0; 4) нуқталардан қайси бири yz текисликда ётади?
A) *M* B) *K* C) *G* D) *L* E) *F*

185. $y=\sin^2 x$ функция учун бошланғич функциянинг умумий кўриниши қандай ёзилади?
A) $-2\sin x\cos x+c$
B) $\frac{\sin^3 x}{3}+c$
C) $x+\frac{1}{2}\sin 2x+c$
D) $\frac{x}{2}-\frac{1}{4}\sin 2x+c$
E) $\frac{\cos^3 x}{3}+c$

186. $f(x)=(\lg x)^{ctgx}+(ctgx)^{\lg x-1}$ бўлса, $f(10)$ ни ҳисобланг.
A) *100* B) *0* C) *2*
D) *10* E) *1*

XVIII

187. Тенгсизликни ечинг:
$0,001<100^x\le\sqrt[3]{10}$.
A) $(-\frac{2}{3}; \frac{1}{6}]$ B) $(-\frac{3}{2}; \frac{1}{6}]$
C) $(-\frac{3}{2}; \frac{1}{6})$ D) $(-\frac{2}{3}; \frac{1}{6})$
E) $(\frac{2}{3}; 1)$

188. $e^{\log_5(\ln\sqrt[5]{e})}$ ифоданинг қийматини ҳисобланг.
A) *-1* B) *1* C) $\frac{1}{e}$ D) *0*
E) *Бу қиймат аниқланмаган.*

189. $3^{\sin x}=3$ тенгламани ечинг.
A) $\pi+\pi k,\ k\in Z$
B) $-\pi+\pi k,\ k\in Z$
C) $-\frac{\pi}{2}+2\pi k,\ k\in Z$
D) $\frac{\pi}{2}+2\pi k,\ k\in Z$
E) $\frac{\pi}{2}+\pi k,\ k\in Z$

190. Кубнинг қирраси $\sqrt{7}$ га тенг. Кубнинг диагонали нимага тенг?
A) *7* B) *3,5* C) $3\sqrt{7}$ D) *49*
E) $\sqrt{21}$

191. a тўғри чизиқ учта ўзаро перпендикуляр чизиқлар билан мос равишда α, β, γ бурчакларни ташкил этади. $\sin^2\alpha+\sin^2\beta+\sin^2\gamma$ йиғинди нимага тенг?
A) *1,5* B) *3* C) *2* D) *1* E) *0*

192. Конус асосининг радиуси $\sqrt{3}$. Конуснинг ясовчиси ва баландлиги орасидаги бурчакнинг қандай қийматида конуснинг ҳажми π га тенг бўлади?
A) 30° B) *arctg3* C) 60°
D) 45° E) $arctg\frac{1}{3}$

(Тест саволларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, ТТМ ва «Маърифат» газетаси таҳририяти рухсатисиз чоп этиш ва тарқатиш мумкин эмас).

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари ҳамда ўзбек ва қозоқ филологияси факультети жамоаси умумий тилшунослик кафедрасининг катта ўқитувчиси Ш. Муҳамедовга, оила аъзоларига падари бузруквори Икромилдин МУҲАМЕДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Халқ таълими», «Мактабгача тарбия» журналлари жамоаси ва таҳрир ҳайъати «Бошланғич таълим» ойномаси бош муҳаррири Зуҳра Шокировага онаси Анзират ТОПИЛОВА вафот этганлиги муносабати билан унга ва унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0210. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6